

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336:640.12:012

НОРҚУЛОВ ИСКАНДАР АБДУМЎМИНОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА АУДИТОРЛИК ТИЗИМИ ВА УНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230102-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. А.М.Гадайшаев

ТЕРМИЗ-2013

МУНДАРИЖА:

Кириш	2-9
I боб. Миллий иқтисодиётда аудиторлик тизими ва аудиторлик фаолиятининг назарий асослари	10-37
1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда аудит ўтказишнинг таъсири.	10-17
1.2. Аудит ўтказиш босқичлари ва унда қўлланиладиган амалларнинг ҳозирги кундаги кўриниши.	17-26
1.3. Аудиторлик фаолиятида қўлланиладиган амаллар, уларнинг вазифалари ва мақсади.	26-37
I-боб хулоса.	38
II боб. Хўжалик юритувчи субъектларда аудит ўтказиш босқичлари тартиби ва ундаги амаллар	39-78
2.1. Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини режалаштириш	39-51
2.2. Аудиторлик фаолиятида далил тўплаш босқичи.	51-64
2.3. Аудиторлик текшируви жараёнида якуний босқич ва ундаги бажариладиган амаллар	64-77
II-боб хулоса.	78
III боб. Хўжалик юритувчи субъектларда аудит ўтказиш босқичларини такомиллаштириш	79-90
3.1. Мамлакатимизда ва хориж давлатларида аудиторлик фаолияти.	79-84
3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маъсулияти чекланган жамиятларда аудит ўтказишни ривожлантириш масалалари	84-90
III-боб хулоса	91
Хулоса.	93-99

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	100-104
Иловалар	105

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам берадиган, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисида хулоса берадиган ҳамда ҳисоботни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ ва бошқа турлардаги амалий ёрдам кўрсатадиган профессионал хизматнинг янги шакли – аудиторлик фаолиятига эҳтиёж йилдан – йилга кучайиб бормоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов фикр юритар экан шундай дейди: «Бугунги вазият ўтган йиллар мобайнида инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажрибамизга суяниб, мамлакатимизда ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни талаб қилмоқда. Ана шу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, 2013 йил изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимизни рақобатбардошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор».¹

Иқтисодий ислохотларни либераллаштириш ва чуқурлаштириш натижасида хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди. Давлат ва назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текширувлар Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Давлат ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашшини кескин қискартириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

¹ Каримов И.А. Бош миқсадимиз-кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини давом эттириш. :”Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил, 19-январ. 8 (31.598).

Бундай шароитда холисона назорат тури бўлган аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини ва янада ошириш талаб қилинади.

Бу эса ўз навбатида аудиторлик ташкилотлари олдида бир канча масалаларни долзарб қилиб қўяди, жумладан: хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий ахбороти тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида аудиторлик текширувини ўтказиш ҳамда бошқа малакали хизматлар кўрсатиш.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ривожланиши анча мураккаб ва қийин, кўплаб жиҳатлари бўйича эса суғуст хамда зиддиятли кечмоқда унинг назарий масалалари, ҳуқуқий-меъёрий ҳамда тизимли тартибга солишнинг бошқа имкониятлари етарли даражада амалиётда ишлатилмаяпти. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга профессионал аудиторлик хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Аввало аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий тизимни иқтисодий ислохотлар талабларига мос равишда ривожлантиришга боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан, аудиторлик хизматларни ва аудиторлик фаолиятини самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан меъёрий-ҳуқуқий асосларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш натижасида корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти самарали ташкил этиш учун аудиторлик текширувидан ўтказиш, ҳамда ўзаро ҳисоб-китобни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турлардаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизмат кўрсатадиган аудиторларга эҳтиёж янада кучаймоқда.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган натижаларни баҳолаш масалаларига янгича, замонавий ёндашув услублари жуда ҳам зарур. Бу

мавжуд назарий, ташкилий – ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолар бўйича аудиторлик фаолиятининг сифатини ошириш ҳамда республикамизда ташқи ва ички аудит текширувларини замонавий даражада ташкил қилиш ва уни ривожлантириш борасида чуқур тадқиқотлар ўтқазилгани тақозо этмоқда. Бир томондан, аудиторлик фаолиятининг халқаро тажрибаларига тизимли ёндашиш, уларни чуқур таҳлил қилиш, бошқа томондан бозор иқтисодиётининг жаҳон ҳам жамиятида эътироф этилган ўзбек моделининг хусусиятлари тўғрисидаги билимларимиздан максимал фойдаланган ҳолда, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчилар учун назоратнинг махсус ташкилий шакли – аудитни истиқболли ривожлантириш зарурлиги аён бўлмоқда. Булар ўз навбатида мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари ва унинг ташкилий – ҳуқуқий жиҳатлари хорижий олимлардан Ф.Л.Дефлиз, Р.Адамс, Д.Р.Кармайл, А.Аренс ва Дж.Лоббек, Р.Додж, М.Бенис, Г.Р.Дженик В.М.О'Рейли¹ ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритиб берилган. МДХ мамлакатлари, жумладан Россияда аудиторлик фаолиятининг ташкил топиши ва ривожланишининг долзарб муаммолари қуйидаги олимларнинг асарларида ўз аксини топган: А.А.Трехов, А.Д.Шеремет, Н.Б.Смирнов, В.Д.Андреев, С.М.Бычкова, А.В.Крикунов, Л.Л.Морозова, В.И.Подольский, Я.В.Соколов, Л.З. Шнейдман.

Республикамизда ҳам аудиторлик фаолиятининг ташкил топиши ва ривожланиш масалалари Э.Ф.Гадоев, Б.А.Ҳасанов, М.М.Тўлахўжаева, Б.К.Ҳамдамов, А.К.Ибрагимов, А.С.Сотиволдиев, Н.Ю.Жўраев, А.А.Каримов, Ю.М.Иткин, Х.Н.Мусаев, З.Т. Маматов, Ш.У.Ҳайдаров,

¹Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. пер.с англ/. Под.ред. проф.Я.В.Соколова – М.:«Финансы и статистика», 2001. ст-560; Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита. пер.с англ/. М.: «Финансы и статистика»; Кармайл Д.Р, Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ/. М.: -Аудит. ЮНИТИ, 1995.; Ф.Л.Дефлиз, Г.Р.Дженик, В.М.О'Рейли и др. Аудит Монтгомери. пер.с англ/под.ред.проф.Я.В.Соколова – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. ст.-542; Адамс Р.Основы аудита. пер. с англ/под ред.Я.В.Соколова. – М.:ЮНИТИ, 1995.ст-398.Жуманиезов.К Бошқарув ҳисоби асослариТ.:Фан 2000 й. А.С.Сотиболдиев Замрнавий бухгалтерия ҳисоби. 1-2-3 том.-Т.Миллий Ассоциация 2004й. Тулаходжаева .М.М. Сотиволдиев А.С. Т.: информ Центир Нац. Ассоциации Бухгалтеров и Аудиторов Узбекистана. 2004 й.

Р.Д.Дўстмуратов, Ш.Н.Файзиев, ЖуманиезовК, А.З.Авлоқулов ва бошқа олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган.

Мазкур муаммо ечимига тизимли ёндашувлар мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қатор сабаблар республикада аудиторлик фаолиятининг ривожлантириш учун чуқур илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари – молиявий инқироз шароитида республикада аудиторлик фаолиятининг ташкил этилишидаги муаммоларни аниқлаш ва унинг ривожланишининг истиқболли йўналишларини белгилаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- ✓ маъсулияти чекланган жамиятларида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, аудит ўтказиш босқичлари, мақсади, иқтисодиётни ривожлантиришда унинг тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;
- ✓ аудит муносабатларини такомиллаштиришда томонларнинг бурчлари, манфаатлари, маъсулият ва жавобгарликларини оширишнинг ўрнини асослаб бериш ҳамда уларга нисбатан миллий ва халқаро аудит стандартларида берилган эътиборни ўрганиш ҳамда баҳолаш;
- ✓ мамлакатда аудит тизимини ривожлантиришда миллий аудит стандартларининг ўрни ҳамда ҳиссасини аниқлаш, шунингдек унинг аҳамияти ва ролини оширишда халқаро аудит стандартларига мувофиқлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиш ва асослаб бериш;
- ✓ миллий аудит стандартларининг амалий қўлланилишининг такомиллашувига ғов бўлиб турган муаммоларни аниқлаш ва ўзбекистонда аудит тизими тараққиётида аудиторлик фаолиятининг амалий аҳамияти кўламини оширишга қаратилган қатъий муҳим илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

- ✓ республикамизда аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш ва унинг ривожланиш босқичларини белгилаш;
- ✓ мамлакатимизда аудитни ташкил этиш масалаларини таҳлил қилиш ва уларни ташкил этишдаги муаммоларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ✓ аудиторлик фаолияти ва уни ўтказиш босқичларида миллий стандартларини халқаро аудит стандартларига мувофиқлаштириш истиқболларини белгилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ✓ республикамизда аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш .

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «OSIYO-AUDIT» маъсулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи давлат органи ва аудиторларнинг нодавлат профессионал бирлашмалари ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланадиган амаллар, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ва уни ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Диссертациянинг назарий-услубий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик корхоналарининг фаолиятини тартибга солувчи Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, асарлари ҳамда кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига оид меъёрий ҳужжатлари,

аудиторлик фаолияти миллий стандартлари, шунингдек, хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимларнинг асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари ҳисобланади

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги Мамлакат иқтисодиётида аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланадиган амаллар янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- республикамизда аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва ўзига хос бўлган амалларлар мавжудлиги асослаб бериш ;

- Ўзбекистон Республикасида аудит ўтказиш босқичларини меъёрий тартибга солиш механизми ягона тизимга келтирилди ва аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичлари аниқлаштириш ;

- мамлакатимизда аудиторлик ташкилотларда аудит босқичларини ташкил этиш ва тартибга солиш асослари комплекс тадқиқ қилиш ва ундаги мавжуд айрим муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- республикамизда Аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланадиган амаллар янада фаол ривожлантириш учун маълум чора-тадбирларни бажариш тавсия этиш ва уни такомиллаштириш учун қатор таклифлар ишлаб чиқиш .

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси – аудиторлик фаолияти хизматлари бозорини ривожлантириш заруратидан келиб чиқади. Тадқиқот натижалари амалиётда аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланадиган амаллар такомиллаштириш турли хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга, яъни провард натижада – бозор муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида хўжалик механизмини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар «OSIYO-AUDIT» маъсуляти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси томонидан амалиётга қўллаш учун қабул қилинади .

Диссертациянинг таркибий тўзилиши: Магистрлик илмий тадқиқот иши кириш қисми, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ва иловалардан иборат.

Биринчи боб - аудит ўтказиш босқичларининг назарий асослари тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топган бўлиб, унга қисмдан иборат;

биринчи қисмда Ўзбекистонда иқтисодий инқироз шароитида аудиторлик текшируви ўтказишни роли, унга таъсир этувчи омиллар тўғрисида; иккинчи қисмида аудиторлик текшируви ўтказиш жараёнида қўлланиладиган босқич ва амалларнинг долзарблиги, ҳозирги кунда республикаимиз шароитида қўлланилиши; учинчи қисмида аудит ўтказиш босқичлари ва ундаги амалларнинг қўлланилиш асосий мақсадлари ва вазфалври келтириб ўтилган.

Иккинчи боб - аудит ўтказиш босқичлари тартиби ва ундаги қўлланиладиган амаллар келтириб ўтилган, боб учта қисмдан иборат;

биринчи қисмда аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида дастлабки босқич, аудитни режалаштириш босқичи ва уни қўллашда фойдаланиладиган амаллар келтириб ўтилган; иккинчи қисмида аудиторлик текшируви ўтказиш жараёнида қўлланиладиган аудиторлик далилларини тўплаш усуллари, далилларнинг турлари, далил тўплаш жараёнида амалга ошириладиган масалалар келтирилган; учинчи қисмида аудиторлик текшируви якуний босқичи, текширувни якунлаш ҳисобот ва хулосалар ёзиш тартиби, берилаётган аудиторлик хулосасининг ташкилот учун берган натижалари, якуний босқич ва ундаги амалларнинг қўлланилиш келтирилган.

Учинчи боб - аудит ўтказиш босқичлари тартиби ва ундаги қўлланиладиган амалларни янада такомиллаштириш, халқаро даражадаги

кўринишга олиб чиқиш тўғрисида фикрлар билдирилган, боб иккита қисмдан иборат;

биринчи қисмда Ўзбекистон Республикасида ва хориж давлатларида аудиторлик текширувини ўтказиш жараёни ва уни қўллашда фойдаланиладиган амаллар келтириб ўтилган; иккинчи қисмида Ўзбекистонда акционерлик жамиятларида аудиторлик текшируви ўтказиш мақсади, вазифаси, жамият учун аудиторлик хулосасининг таъсир доираси ва жамиятда текширув жараёнида амалга ошириладиган амаллар келтирилган.

Магистрлик илмий тадқиқот иши якунловчи қисмида адабиётлар рўйхати ва илмий иш юзасидан иловалар келтирилган.

I бoб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА АУДИТОРЛИК ТИЗИМИ ВА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Жахон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда аудит ўтказишнинг таъсири

« ... ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий ушвор вазифаси - бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларин, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир»².

И.А.Каримов

Иқтисодий ислохотларни либераллаштириш ва чуқурлаштириш натижасида хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди. Давлат ва назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текширувлар Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Давлат ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашушини кескин қисқартириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бундай шароитда ҳолисона назорат тури бўлган аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини ва янада ошириш талаб қилинади.

Бу эса ўз навбатида аудиторлик ташкилотлари олдида бир канча масалаларни долзарб қилиб қўяди, жумладан: хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий ахбороти тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида аудиторлик текширувини ўтказиш ҳамда бошқа малакали хизматлар кўрсатиш. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.:”Ўзбекистон” 2010, 556.

борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Бу хулосани тасдиқлайдиган рақамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2012 й мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,2 % га ўсгани, саноат соҳаси 7,7 % га, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми 7 % га, қурилиш ишлари ҳажми 11,5 %га, чакана товар айланмаси ҳажми 13,9 %га, хизматлар кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профисит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошмади. 2012 йилда мамлакатга 11,7 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган инвестициялар жалб этилган, бу 2011 йилга нисбатан 14 фоиз кўпдир. Бунда барча инвестицияларнинг 22 фоизидан кўпроғини ёки 2,5 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Экспорт ҳажми 11,6 фоизга кўпайди, ташқи савдонинг ижобий сальдоси таъминланди³. Бундай натижалар аҳоли даромадларининг ошиши, бандлик муаммосининг ижобий ҳал қилиниши, иқтисодиёт тармоқларининг модернизацияси ва бу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш имконини берди.

Шунга қарамасдан, мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ривожланиши анча мураккаб ва қийин, кўплаб жиҳатлари бўйича эса сушт ҳамда зиддиятли кечмоқда Унинг назарий масалалари, ҳуқуқий-меъёрий ҳамда тизимли тартибга солишнинг бошқа имкониятлари етарли даражада амалиётда ишлатилмаяпти. Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан

³ Каримов И.А. Бош миқсадимиз-кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини давом эттириш. :”Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил, 19-январ. 8(31.598).

2011 йил якунларига кўра амалдаги қонунларга бўйсунмаган ташкилотлар келтирилган.

Лицензион талаб ва ҳолатларнинг бузилиши. 1-чизма



1. Лицензион талаб ва ҳолатлар бўйича йўл қўйилган ҳатолар мавжуд аудиторлик ташкилотлари 347 та
2. Улардан: қўпол тарзда лицензион талаб ва ҳолатларни бузганлари 57 та
3. Текширувдан бош тортганлари 104 та

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга профессионал аудиторлик хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Аввало аудиторлик

фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий тизимни иқтисодий ислохотлар талабларига мос равишда ривожлантиришга боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан, аудиторлик хизматларни ва аудиторлик фаолиятини самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан меъёрий-ҳуқуқий асосларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш натижасида корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти самарали ташкил этиш учун аудиторлик текширувидан ўтказиш, ҳамда ўзаро ҳисоб-китобни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турлардаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизмат кўрсатадиган аудиторларга эҳтиёж янада кучаймоқда.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган натижаларни баҳолаш масалаларига янгича, замонавий ёндашув услублари жуда ҳам зарур. Бу мавжуд назарий, ташкилий – ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолар бўйича аудиторлик фаолиятининг сифатини ошириш, ҳамда республикамизда ташқи ва ички аудит текширувларини замонавий даражада ташкил қилиш ва уни ривожлантириш борасида чуқур тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Бир томондан, аудиторлик фаолиятининг халқаро тажрибаларига тизимли ёндашиш, уларни чуқур таҳлил қилиш, бошқа томондан бозор иқтисодиётининг жаҳон ҳам жамиятида эътироф этилган ўзбек моделининг хусусиятлари тўғрисидаги билимларимиздан максимал фойдаланган ҳолда, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчилар учун назоратнинг махсус ташкилий шакли – аудитни истиқболли ривожлантириш зарурлиги аён бўлмоқда. Булар ўз навбатида мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё

мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида сифатли аудит муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар инвестицион қарорлар қабул қилишда унга асосий маълумот манбаи сифатида қарашади. Шу мақсадда молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни етарли даражада ишончли маълумотлар билан таъминлаш, ушбу молиявий ҳисоботларнинг аудиторлик текширувидан нечоғли сифатли ўтказилганлигига боғлиқ. Аудиторлик текширувларининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисида аудиторнинг мустақил билдирилган фикридан иборат. Бунинг учун аудитор ҳисоботнинг ишончлилиги ёки унинг ишончлилигини рад этиш тўғрисидаги асосли фикр билдиришга имкон берадиган далилларни тўплаши зарур.


Молиявий ҳисобот маълумотларининг улардан малакали фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижалари тўғрисида тўғри ишонч билдиришларига ва тўғри хулосалар қилишга ва ушбу хулосаларга асосланган қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражаси тушунилади. Аудиторлик текширувлари ташкилот бухгалтериясини ўрганиш жараёнида шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхоналарда бухгалтерлар малакаси етишмаслиги оқибатида дастлабки

хужжатларга ишлов бериш, гуруҳлаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри (ёки бутунлай) акс эттирмасдан (асосан пул ва ҳисоб-китоб муомалалари), уларни девонхона папкаларида сақлаб қўйиш билан чекланилади. Натижада, ҳисоботларни тузишда кўплаб чалкашликлар, ноаниқликлар, жорий ҳисоб маълумотлари ва ҳисобот кўрсаткичларидаги номувофиқликлар юзага келади. Агар бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш ва юритишга талаб даражасида эътибор қилинганда, бундай чалкашликлар пайдо бўлмас эди. Бошқача қилиб айтганда, бу аудиторлик далиллар қанчалик ишончга сазовар ва ҳақиқатга яқин эканлигини тавсифлайди. Аудит жараёнида олинган далилларнинг ишончилиги мустақиллик ва манба компетентлиги, ички назорат тизимининг самарадорлиги каби омилларга боғлиқ. Аудиторнинг ўзи мустақил манбалардан олган далилларнинг ишончилиги даражаси хўжалик юритувчи субъектдан олинган далилларга қараган-да юқорироқ. Барча далиллар йиғиндисини фақат сўнгилари етарли бўлганидагина ишончли деб ҳисоблаш мумкин. Аудитор далилларни қанчалик тўғри ва ишончли кўриб чиқиб охирги босқичда аудиторлик хулосасини тўғри бериши корхона ҳақида ишончли фирмаларни келтириб чиқаради. Бу хулосага таяниб корхона билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатувчи ташкилот ёки юридик шахс ўз инвестициясини шу ташкилот учун сарфлайди. Агар аудитор текшираётган корхонанинг ички ҳолати, тўлов қобилияти, мажбуриятлари ва ишлаш самарадорлиги ҳақида хулосасини нотўғри бузиб кўрсатса, корхона билан алоқа ўрнатган иккинчи ёки учинчи шахс ўз маблағини йўқотишига олиб келади. Масалан, Тижорат банклари фаолиятида аудитни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш жараёнининг турли таъсирларини кўриб чиқсак. Банкларда аудитни амалга оширишда аудитор фаолиятига таъсир килувчи омиллар тизимини қуйидаги келтирилган - чизмада акс эттирамиз.

Демак тижорат банклари инвестицион портфелини аудитдан ўтказишда аудиторларнинг фаолиятига қўйиладиган талаблар, аудиторлик фаолияти

стандартлари ва узлуксиз профессионал тайёргарлик каби омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

АУДИТОРЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР⁴



3-чизма. Аудиторлар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар⁵

Тижорат банкларида аудитнинг зарурийлиги банкларнинг банкротлик рискига жуда яқинлик билан белгиланади, яъни банкнинг банкротлиги бир неча соҳа субъектлари бўлмиш кредиторлар ва мижозларнинг синишига олиб келиши ёки бошқа тижорат банкларининг фаолиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки иқтисодиётда тижорат банклари ва бошқа барча соҳа субъектлари ўзаро занжирли боғлиқ ҳисобланади.

Тижорат банкларида аудитни амалга оширишнинг муҳим вазифаларидан бири, банк тизимида одил рақобатни ташкил этиш ва келажакдаги салбий оқибатларни олдини олиш ҳисобланади.

Банк аудитининг яна бир вазифаси банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва барча мижозларга бир хил муносабатда бўлишларини таъминлашдан иборатдир.

Ишончли ва самарали банк аудитини ташкил қилиш ва амалга ошириш энг аввало банк ходимларининг маъсулиятлари ва жавобгарлигини ошириш ҳамда назорат органлари ходимларининг малакасита боғлиқдир.

⁴ «Аудит банков». Учеб. пособие/ Под ред. Г.Н. Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой, Е.А. Лебедева, - М. Финансы и статистика/, 2001. 145 стр.

⁵ «Аудит банков». Учеб. пособие/ Под ред. Г.Н. Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой, Е.А. Лебедева, - М. Финансы и статистика/, 2001. 145 стр.

Тижорат банкларида инвестиция портфелини аудитдан ўтказиш Қонунлар, Ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг йўриқномалари ва бошқа қонун ости меъёрий ҳужжатлари асосида олиб борилади. Ҳуқуқий-иқтисодий меъёрларни ўрнатилиши тижорат банкларини банкротлик чегарасидан оғоҳ этиб туради. Бу эса, сифатсиз ёки ёмон бошқарувга эга банклар фаолиятини тартибга солиш ва тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий базасининг мустаҳкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлишига ҳамда бутун банк соҳасини инқирозига олиб келиши мумкин..

Шундай бир неча ҳолатларнинг ўзигина жуда катта миқдорда пул маблағининг йўқолишига олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий инқироз келиб чиқишининг кичик бир сабабчиси аудиторларнинг ҳулосасига ҳам боғлиқ экан. Банк тизимининг ишончли ва самарали бўлиши, уни аудит қилиш ва тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуаси ратилиши ҳамда барча банкларда маълум бир андозалар асосида қўлланилиши лозим. Яъни биз бўлажак аудиторлар текшириш даврида аниқ далилларга таяниб тўғри аниқ ҳулоса ва таклиф беришимиз иқтисодиётнинг ривожлинишига кичик бир хиссамизни қўшган бўлардик.

1.2. Аудит ўтказиш босқичлари ва унда қўлланиладиган амалларнинг ҳозирги кунда кўриниши

Маълумки, ҳар қандай воқеа, ҳодиса, буюм қайси замонда ва маконда пайдо бўлишидан қатъий назар маълум зарурият туфайли юзага келади. Аудитга оид манбаларда таъкидланишича, уни қуйидаги шарт-шароитлар келтириб чиқарган:

- ✚ ахборот етказиб берувчилар (маъмурият) билан ахборотлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, банклар, акциядорлар, кредиторлар) манфаатларининг мос келмаслиги, натижада, улар ўртасида зиддиятли вазиятлар юзага келганида маъмурият томонидан нотўғри маълумотлар берилиши;
- ✚ нотўғри ахборотларга асосланган ҳолда хўжалик қарорларининг қабул қилиниши натижасида ноқулай иқтисодий аҳволга тушиб қолиниши ёки

инкирозга юз тутилиши;

- ✚ иқтисодий ахборотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун зарур махсус билимларга эҳтиёж;
- ✚ ахборотлардан фойдаланувчиларда маълумотларни бевосита баҳолаш ва сифатини аниқлаш учун махсус малака, вақт ва материалларнинг етишмаслиги ва ҳаказолар

Мана шу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган аудиторлик хизматлари шакллана бошлади. Унинг асосий вазифаси ахборотлардан фойдаланувчиларга тақдим қилинадиган ҳисоботлар тўғрисида ҳолис фикр-мулоҳазалар билдиришдир. Аудиторлар етарли билим ва тажрибага, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва асословчи маълумотларни олиш ҳукукига эга бўлганликлари учун бу вазифани малакали даражада бажарадилар. Бундан ташқари, улар корхона маъмуриятига бўйсунмайдилар ва унинг тазйикларидан ҳолидирлар.

Айрим манбаларга кўра бухгалтер-аудитор касби XVII асрнинг ўрталарида Европанинг акциядорлар, кредиторлар ва солиқ хизмати ходимлари ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал қилиб бериш зарурати туфайли шакллана бошлаган. Ўша пайтларда мустақил фаолият кўрсатиб, корхонанинг ишлаб чиқариш молия фаолияти тўғрисида аниқ ҳулоса берадиган мутахассисларга эҳтиёж кучайган

Натижада, 1862 йили Англияда, 1867 йили Францияда, 1937 йили эса АКШда мажбурий аудит тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзининг ташкилий ҳукукий инфратузилмаларига эга бўлган аудит институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Аудитнинг ҳам ўзига хос усул ва услуби мавжуд. Шу жумладан, ташқи аудит текширувларини ўтказишда ҳам маълум тартиб ва босқичларга риоя қилиниши ва кетма-кетликда амалга оширилиши керак. Бу борада хориж олимлари Э.А.Аренс ва Дж.К.Лоббеклар ўзларининг қуйидагича фикрларини

беришган Аудитни самарали ўтказишда ишчи режа ва дастур тузиш ҳамда услубиётни ишлаб чиқиш учун қўйилган босқичлар⁶.

- ✓ *Дастлабки режаслаштириш;*
- ✓ *Умумий маълумотлар тўплаш;*
- ✓ *Мижознинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳақида ахборотлар йиғиш;*
- ✓ *Мижоз ички хўжалик хатари ва бизнесини, аудитор таваккалчилигини ва муҳимлиликни баҳолаш;*
- ✓ *Ички назорат ва мониторинг ёки ички аудит тизими билан танишув ва назорат рискин баҳолаш;*
- ✓ *Аудитнинг умумий режаси ва дастурини ишлаб чиқиш*

Бизнингча, аудит ўтказишда, энг аввало, ишчи дастурларининг аҳамияти катта. Асосийси, ушбу ишчи дастурларида назарда тутилган, фойдаланиладиган усуллар йиғиндиси ишнинг мазмун ва моҳиятини янада бойитувчи восита эканлигини ҳар доим ёдда тутишимиз лозим, яъни услубиёт - бу мавжуд муаммоларнинг ечимини очиб бериш йўллари кўрсатувчи дастак дейиш ҳам мумкин. Аммо, усулларнинг туб моҳиятини таҳлилий амаллар ташкил қилади. Барча усулларда ҳам таҳлилий амаллар ўтказилиб, исбот ва далиллар сифатида маълумот олинади. Лекин, таъкидлаш жоизки, аудит услуби унинг натижаси самарадорлиги ва олинган исбот ва далилларнинг ишончлилигини таъминлашда ўз ичига бухгалтерия, статистик, таҳлилий, математик, фалсафий каби усулларни олиши керак.

Шу қаторида Ўзбекистон Республикасида ҳам аудиторлик институтлари ва аудиторлик палаталари фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторларнинг миллий ассоциацияси (ЎБАМА) — бухгалтерлар, аудиторлар, илмий ва педагогик ходимлар, маслахатчиларнинг республика жамоат ташкилоти бўлиб, ўз аъзоларини улар манфаатлари ва мақсадларининг умумийлиги, ҳудудий ёки профессионал тамойиллар бўйича бирлаш-тиради.

⁶ Э.А.Аренс, Дж.К.Лоббек. Аудит. М.: «Финансы и статистика», 1995. - С. 300.

Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси (УАП) - малака сертификатига эга мустакил аудиторларни ихтиёрий тарзда бирлаштирувчи, мустакил нотижорат жамоат ташкилоти. Аудиторлар Палатасининг асосий максоди аудиторларнинг профессионаллик даражасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга ёрдам кўрсатиш, ўз аъзоларининг касбга оид манфаатларини давлат ва жамоат органларида ҳимоя қилиш, ҳамда касбга оид талаблар бўйича барча ўзгаришлар тўғрисидаги ва ахборот таъминоти бўйича алоқа ўрнатишдан иборат.

Аудиторлар Палатасининг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

- ✚ аудит соҳасига оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ✚ ўқув дастурларини ҳамда малакавий имтихонларни топшириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ✚ аудиторлик малака сертификатини олиш учун даъвогарлар учун малакавий имтихонларни ўтказиш;
- ✚ аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш;
- ✚ аудиторларни касб ахлоқи кодекси қоидаларига риоя қилишини назорат қилиш;
- ✚ Ўзбекистон аудиторлар палатаси аъзолигига малакали аудиторларни жалб этиш учун халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатимиз органлари билан ҳамкорлик қилиш;
- ✚ Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг бошқа давлатлар жамоат ташкилотлари томонидан тан олинишига эришиш.

Халқаро ташкилотлар олимлари томонидан тавсия этилган ташқи аудит текширувларини ўтказишда ҳам маълум тартиб ва босқичлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон аудиторлик палаталари томонидан ишлаб чиқарилган меъёрий ҳужжат нормалар ва ҳуқуқий ҳужжатлар келиб чиқиб аудиторлик фаолиятини олиб бориш тартиблари белгилаб чиқилган.

Аудиторлик текшируви ўтказиш тартиби ушбу тўрт босқичга асосланган бўлиб булар:

- Дастлабки босқич
- Аудитни режалаштириш
- Аудиторлик далилларни тўплаш
- Якуний босқич

Бу амалларни корхона ва ташкилотларда ташқи аудит ўтказиш даврида бир неча усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Умумий усуллардан: арифметик-экспериментал ҳисоб-китоблар, пропорциявий ҳисоблаш, формулавий усуллар, график методлари;

танлашнинг статистик, монетар, оддий ва стихияли усуллари; анализ ва синтез, корреляция ва регрессия, прогнозлаш, коэффицентлар усуллари; фалсафанинг индукция ва дедукция усуллари;

бухгалтерия ҳисобининг инвентаризация ўтказиш, санаш, ўлчаш, тортиш, солиштириш, таққослаш, кузатиш; сўров ва ҳ.к.лар, хужжатлаштириш, баҳолаш, счётлар тизими, иккиёқлама ёзув, бухгалтерия баланси, ҳисобот тузиш усуллари;

ахборот технологиясининг дастурий таъминот усуллари ва анъанавий усуллар.

Хусусий усуллардан: сканерлаш, тафтиш, экспертиза, гипотеза ва бошқалар.

Бу усуллар ёрдамида аудит шартномаси, режаси ва дастурига биноан ташқи аудит аудиторлик фаолиятининг миллий ва халқаро стандартлари талаблари доирасида маълум кетма-кет босқичларда амалга оширилади.

Аудитор текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида ва хулосасида акс эттирилади. Молиявий ҳисоботларни тугрилигини белгилашда уларни ҳаракатдаги қонунчилик ва норматив хужжатларга мос келишига эътиборни қаратиш зарур. Чегараланган хулоса, салбий хулоса ва хулоса беришдан бош тортиш аудитор томонидан асосланган бўлиши керак.

Ҳар қандай тушунча, айниқса илмий атама ўзининг моҳиятини ифодаловчи таърифига эга бўлиши лозим.

Аудиторлик фаолиятининг таърифи ўзининг тарихий тараққиёт йўлида

турли манбаларда турлича баён қилинган. Масалан, профессор М. М. Тўлахўжаеванинг «Ўзбекистон Республикасида Молиявий назорат тизими» номли китобида аудитга қуйидагича таъриф берилган:

«аудит – бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни ушбу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғриси-да хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир».

Аудиторлик фаолияти ва аудиторлик касбининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида қуйидагича келтирилган:

Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва ушбу қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Шунингдек, Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ «аудитор ёрдамчиси аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик хулосасида, аудиторнинг эксперт хулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахсдир».

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти мустақил юридик шахс ҳуқуқига эга аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Қонунга кўра аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир.

Аудиторлик фаолиятининг мақсад ва вазифалари тавсифидан келиб чиқиб, уни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини, биринчи навбатда, бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), шунингдек бошқа ҳисоботларнинг ишончлилиги ва унда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш (ёки тасдиқламаслик)

аудиторлик хизматининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Аудиторлик текширувлари ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш, корхонадаги тартиб, меҳнат ва технологик интизомни, товар-моддий захираларнинг омборлар ва бошқа сақлаш жойларидаги ҳисоби, мулкларнинг сақланиши, ҳисоб-китоблар ҳолати ва корхона молия-хўжалик фаолияти ҳамда унинг натижаларига сезиларли таъсир кўрсатадиган бошқа кўплаб ҳолатларни қамраб олади. Шунинг учун аудиторлик ҳисоботида корхона молия-хўжалик фаолияти ва унинг натижаларига бевосита таъсир-кўрсатадиган, ҳамда ҳисоб маълумотлари ва ҳисобот кўрсаткичлари ишончлилигини пасайтиришига олиб келадиган, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги катта камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистондаги аудиторлик фаолияти олдида турган муҳим вазифалардан бири – хорижлик ҳамкорлар тан оладиган аудиторлик хулосаси бериш қобилиятига эга, сертармоқ ва профессионал даражадаги умуммиллий аудиторлик компаниялари ташкил этиш ҳисобланади.

Аудиторлик амаллари ва аудиторлик далилларини тўплаш. Аудиторлар аудиторлик амалларини бажариш чоғида далилловчи маълумотларни тўплайдилар. Аудиторлик амали бу муайян аудит участкасида далилларни олиш учун аудитор томонидан амалга ошириладиган ишларнинг маълум тартиби ва кетма-кетлиги. Далилларни тўплаш учун қандай аудиторлик амаллари зарурлиги ва уларни қачон бажаришни аудитор аудиторлик текширишлар дастурини тузиш чоғида мустақил ҳал қилади. Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти миллий стандартларига мувофиқ аудитор қуйидагиларга асосан етарли далилларни тўплаши лозим: ички назорат воситаларини текшириш; счётлар бўйича қолдиқлар ва оборотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш; таҳлилий амаллар.

Далилларни баҳолашда қуйидагиларни аниқлаш зарур: манбанинг мустақиллиги, олинган фактлар ва бошқа маълумотлардан далил сифатида

фойдаланиш мумкинлиги (яъни бунинг қонунга зид эмаслиги); мазкур далилнинг текшириладиган объектга тааллуқлилиги; танлаш ҳажми ва методологияси. Шунингдек, мазкур далилнинг объект бўйича тўпланган бошқа далиллар билан алоқадорлиги; ушбу алоқадорликнинг кўлами ва тавсифи; олинган далилларнинг кейинги аудит жараёнида қўлланилиш имкониятлари; аниқланган тафовутларнинг жиддийлик даражаси; олинган далиллар тўпламининг қарор қабул қилиш учун етарлилигини ҳам аниқлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, аудитор молиявий ҳисоботнинг у ёки бу моддаси бўйича жиддий хатолар йўқлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиши лозим.

Аудиторлик хулосаси ва ҳисоботи. Аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва хўжалик юритувчи субъект мутахассисларининг ҳисоб-китобларини баҳолашда аудиторлар маълум даражада профессионал эҳтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Аудитор қуйидаги ҳоллардаги каби, катта номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур:

- * хўжалик юритувчи субъект ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор томонидан очилмаган хатоларни аниқлаш фактлари;
- * текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар ёки маълумотларга доир хўжалик муомалалари;
- * мутахассисларнинг ҳисоб-китобларидаги номувофиқликлар;

* инвентаризация натижасида аниқланиб, далолатнома ва таққослаш ведомостлари билан расмийлаштирилган, лекин етарли даражада таҳлил қилинмаган ва тузатилмаган катта тафовутлар;

* катта тафовутларнинг тасдиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига қўйилган жавоблар олинмаганлиги; текширув учун танлаб олинган, зарур дастлабки ҳужжатлар ёки тегишли рухсат этувчи кўрсатмалар тақдим қилинмаган ҳўжалик муомалалари.

Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича, аудиторлик ҳулосаси молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, ҳўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

Аудиторлик ҳулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.

Аудиторлик ҳулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак (19-модда).

Аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш ишларида аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) қоидаларининг талабларини инобатга олиш зарур. Аудиторлик ҳулосасини тайёрлашда асосан № 70 - «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳулосаси» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартидан (АФМС) фойдаланилади.

Бошқача қилиб айтанда, аудиторлик текшируви мумкин қадар объектив бўлиб, унинг ҳулосаси маълум маънода ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти устидан чиқарилган «ҳукм» ҳисобланади.

Шунингдек, давлат органлари топшириғига биноан ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган аудиторлик хулосаси Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигига мувофиқ тайинланган экспертиза хулосасига тенглаштирилади.

1.3. Аудиторлик фаолиятида қўлланиладиган амаллар, мақсад ва вазифалари

Ҳар қандай фаолият, хусусан аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун даставвал, унинг пухта ва аниқ режаси ёки дастурини тузиш лозим. Уларнинг мазмуни қўйилган мақсад ва уни бажариш учун белгиланган аниқ вазифалардан келиб чиқади. Аудитнинг мақсадлари хусусан қуйидагилардан иборат: бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини экспертиза йўли билан баҳолаш, йиллик молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳаққоний-лигини текшириш ва тасдиқлаш валюта муомалаларини тафтиш қилиш, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиқлаш, корхонанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтисодиёт ва молиявий ҳуқуқ соҳасидаги янги қонунчилик ҳужжатлари бўйича аниқ маслаҳат (консультация) ўтказиш ва хоказо.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида (янги таҳрирдаги) аудиторлик фаолияти «...тадбиркорлик фаолияти...» эканлиги таъкидланган (2-модда). Демак, бу фаолият аудиторлик ташкилоти ва миждоз-корхона ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Аудиторлик ташкилоти ўз шартнома мажбуриятларини бажаришда, амалда текширув объектларини тўлиқ (100%) қамраб олаолмайди. Натижада, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг мутлақо (шак-шубҳасиз) ҳаққоний эканлигини кафолатлай олмагани ҳолда, маълум даражадаги таваккалчилик билан уларни тасдиқлайди. Шу боисдан, аудитор ишида доимо маълум даражада таваккалчилик хавф-хатари мавжуд бўлади. Кўриниб турибдики, аудитор хулосасида баён этилган фикр ҳар доим ҳам мутлақо тўғри бўлиши мумкин эмас. Аммо, деярли ҳамма вақт

ахборотдан фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши лозим. Бундай фойдалиликнинг таъминланиши маълум даражадаги мижоз ташкилотни жиддийлик билан уларни тўғри баҳолашни талаб этади.

Аудиторлик текширувни режалаштириш текшириладиган корхона фаолиятини батафсил ўрганишдан бошланади. Аудитор корхона фаолиятини ўрганишдан иккита мақсадни кўзлайди:

а) аудит ўтказишни осонлаштириш ва сифатини ошириш;

б) текшириладиган корхона иқтисодини яхшилашга қаратилган амалий маслаҳат ёрдами кўрсатиш.

Бунинг учун корхона фаолиятига таъсир қиладиган ички ҳамда ташқи омиллар ҳақида маълумотларни тўплаш зарур.

Аудитор биринчи навбатда эътибор бериш лозим бўлган, корхона иқтисодига таъсир қиладиган ички омилларга қуйидагилар киради: мулкчилик шакли ва бошқарув тузулмаси, корхонанинг қандай мақсадда ташкил этилганлиги, корхона фаолиятида амалга ошириладиган асосий муомалалар, молияси, ходимлари, ҳисоб юритиш сиёсати, корхонанинг учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлари.

Текшириладиган корхонанинг мақсадларини таҳлил қилиш, унинг муомалаларини яхши тушунишга имкон бериб, текшириладиган ҳисобот ҳақида тўғри фикр шакллантирилиши учун зарурдир. Чунончи, агар аудитор ишини режалаштириш чоғида мулк эгаларининг корхонани тугатмоқчи эканликлари аниқланса, бунда у корхона ҳисоботиغا нисбатан фаолият қилаётган корхона принципини қўлламаслиги ҳақида аудиторлик ҳисоботиغا таъкидлаш киритишга тайёрланиши зарур. Корхонанинг мақсадларини аниқлаш учун қуйидагиларни билиш зарур: маҳсулотлар ва хизматларнинг асосий турлари; бошқа корхоналар, гуруҳлар билан бирлашишга оид ёки корхонанинг сотиб олиш, сотиш бўйича режалари; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик соҳасидаги йирик корхоналар; режалаштирилган капитал қўйилмалар; янги бозорларга чиқиш режалари; ахборот технологиясидаги ўзгаришлар, солиқларни режалаштириш стратегияси.

Мижознинг муомалалари ҳақидаги маълумотлар аудиторга ўзининг хатарли ҳолатларини тўғри баҳолаш, самарали текшириш дастури тузиш ва уни ўтказишга кетадиган вақтни тежашда ёрдам беради.

Корхонанинг учинчи шахслар билан ўзаро муносабатларини кўриб чиқишда қуйидагиларни таҳлил қилиш зарур: корхона даъвоси, шунингдек унга қарши қўзғатилган даъво бўйича мавжуд ва бўлиши мумкин бўлган судлашувлар; корхонанинг мулклари ва масъулиятлари суғурта қилинганлиги; корхонанинг солиқ мақоми (солиқлар бўйича имтиёзлар ва ш. ў.).

Корхона раҳбарияти ва бош мутахассислардан сўраб-суриштириш йўли билан асосий муаммоларни, хусусан, рақобат, солиқ масалалари, корхонанинг молиявий аҳволи, корхонанинг йирик муомалалари, бизнесдаги, раҳбариятдаги, мулкчилик шаклларидаги ўзгаришлар, ички назоратнинг ташкилий тузилмаси ва методлари, раҳбариятнинг аудитор махсус эътибор қаратишини истаган ўзига хос муаммоларини аниқлаши мумкин. Бўлинмалар, ишлаб чиқариш ўринлари ва омборларга бориб, мижданинг амалга оширадиган муомалалари, ишлаб чиқариш кўрилмалари, товар-моддий захираларнинг мавжудлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, корхона фаолияти ҳақидаги унинг ҳисоботида (бухгалтерлик ҳисоботлари ва аналитик ёзувлар; директорлар, бошқарув ва акциядорлик кенгашининг мажлис баённомалари; ички аудиторнинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, лавозим йўриқномалари), ташқи ахборот манбалари (матбуотда чиққан нашр маҳсулотлари, маълумотлар базаси, аналитик нашрлар, қонунчиликка оид ва бошқа меъёрий бюллетенлар) келтирилган маълумотларни таҳлил қилиши лозим.

Аудитор олинган маълумотларни ёзиб боради ва корхонага таъсир қилувчи омиллар ҳамда аниқланган таҳликали ҳолатлар баён қилинган ҳолда бўлимларга бўлинган махсус ёзув кўринишида расмийлаштиради.

Бухгалтерлик ҳисобининг ташкил этилишини ўрганиш.

Аудитор корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни бошлашдан олдин бухгалтерлик ҳисоби қандай ташкил этилганлиги ва

юритилаётганлигини ўрганиши лозим. Бунда у корхонада қўлланилаётган назорат воситаларини ўрганади ва баҳолайди, улар асосида тахмин қилинаётган аудиторлик амалларининг мазмуни, миқёси ва қилинадиган харажатларни аниқлайди.

Энг муҳими, аудитор амалдаги бухгалтерлик ҳисоби тизими текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ишонарли акс эттириши ҳамда текширилаётган корхонадаги мавжуд назорат воситаларига қай даражада таяна олишига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шунингдек, ҳисоб тизимини, яъни ҳужжатлар айланиш режа-графикининг тузилишини, бухгалтерия ходимларининг хизмат вазифалари қандай тақсимланаётганлигини кўрсатиши, корхонанинг асосий муомалаларини акс эттириш учун қандай счётлар корреспонденциялари (ўзаро боғланишлари) қабул қилинганлиги ва қандай ҳисоб регистрларидан фойдаланилаётганлиги каби масалаларни баён қилиш лозим.

Аудитор бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ҳамда ҳолатини текширишда қуйидагилардан фойдаланади:

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига қўшиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом, юқори ташкилотларнинг йўриқнома, Низом ва кўрсатмалари; Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати. Ҳукумат, молия ва статистик органларининг меъёрий ҳужжатлари билан бир қаторда, ўрганилаётган соҳадаги текширилаётган корхоналарнинг хусусиятларини ифодаладиган таъсис ҳужжатларига алоҳида аҳамият берилади.

Агар раҳбариятга тақдим қилинган ахборотлар натижалари бўйича бухгалтерлик ҳисоботида тегишли ўзгартишлар киритилмаган бўлса, у ҳолда аудитор аудит жараёнида аниқланган бухгалтерлик ҳисоботидаги бузиб кўрсатилган фактлар тўғрисидаги маълумотларни аудиторлик хулосасига

киритиши керак.

Аудиторлар ҳам, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ҳам, шуни унутмасликлари зарурки, бухгалтерлик ҳисоботларини атайлаб ёки билмасдан бузишларнинг юзага келиши учун; шундай хатоларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилмаганлиги учун; уларни бартараф қилмаганлиги ёки кечикиб тўғрилаганлиги учун хўжалик юритувчи субъект ходимлари жавобгардир.

Аудиторлик ташкилоти эса, хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма равишда тақдим қилинадиган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасида бухгалтерлик ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида объектив ва асосланган фикр билдирганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Аудитор хўжалик фаолиятини текширишда қуйидагиларни таҳлил қилиши лозим:

- корхонанинг ўз устав фаолияти ва хўжалик дастурининг бажарилиши;
- устав капиталини ташкил этишнинг тўғрилиги ва унинг ўз фаолияти мақсадларига мувофиқ ишлатилиши;
- корхонада маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ишонарли, тезкор ҳисобга олишнинг ташкил этилиши, тайёр маҳсулотлар етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда корхона ходимлари томонидан белгиланган тартибга риоя қилиниши;
- маҳсулотларни тўлиқ ва ўз вақтида етказиб бермаганлик натижасида кўрилган йўқотишлар (жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқалар);
- чиқарилаётган маҳсулотларни янгилашга доир кўзланган тадбирларнинг бажарилиши; маҳсулот сифати кўрсаткичлари, брак ва сифатсиз маҳсулот етказиб берганлик учун кўрилган зарарлар;
- маҳсулот чиқариш ритми, ритмсиз ишлаш сабаблари, суткалик графиклар бажарилмаслиги оқибатида кўрилган зарарлар;
- хом ашёлар, материаллар ва ишлаб чиқариш чиқитлари-дан оқилона фойдаланиш;

- корхона жамоаси мақсадларнинг тизими, ҳар бир ходимга вазифаларнинг оқилона тақсимланиши;
- ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий мақсадларга етишишда барча ходимлар (ишчидан тортиб бош директоргача) иқтисодий манфаатларни таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими;
- маҳсулот чиқариш ва сотиш ҳақидаги ҳисобот маълумотларининг бухгалтерлик ҳисоби ва дастлабки ҳужжатлар маълумотларига тўғри келиши;
- маҳсулотлар ҳисоботида ҳисобот даврида тайёрланиб тугалланмаган маҳсулотларнинг киритилмаганлиги ва ҳисоботларда бошқа қўшиб ёзиш ҳамда чалкашликларга йўл қўйилмаганлиги.
- бухгалтерлик ҳисоби ва назоратнинг ташкил этилиши пул маблағлари ва материал қийматликлар камомади, етишмовчилиги ва ноқонуний сарфланиши ва бошқа камчилик ҳамда суистеъмол қилишларнинг олдини олишни таъминлаши, дастлабки ҳужжатларни сифатли расмийлаштириш ва уларнинг ишонарлилиги устидан пухта назорат ўрнатиш; хўжалик муомалаларини, пул маблағлари ва мулклар, материал қийматликлар мавжудлиги ва сақланишини даврий инвентаризацияси ва тўсатдан ўтказилган текширишлар натижалари ва шу кабилар;
- тузилган даврий ва йиллик ҳисоботлар маълумотларининг бухгалтерлик ва статистик ҳисобот маълумотларига тўғри келиши.

№ 1 - «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ *ҳисоб сиёсати* хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тузиш учун фойдаланиладиган махсус тамойиллар, қоидалар ва амалий ёндашувлар тўпламини ифодалайди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати корхона раҳбари томонидан №1 БҲМС асосида тузилиб, хўжалик юритувчи субъектнинг турли йиллар учун тақдим қилинган молиявий

ҳисоботларидаги кўрсаткичлар таққосланувчан, ҳамда бошқа алоқадор БҲМС лар асосида шакллантирилган бўлиши лозим.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унга риоя қилиниши масалалари аудитнинг аҳамиятли соҳаларидан бўлиб, бухгалтерия ҳисоботларининг ишончлилигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг барча босқичларида - аудитни режалаштиришдан то аудиторлик хулосасини тузгунга қадар муҳим текширув объекти бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилишини текшириш чоғида ҳисоб сиёсати билан танишишнинг мақсади бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий тамоилларини ва текшириладиган корхонанинг ҳужжатлар айланиши графигини ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборат. Бунда ҳисоб сиёсатини белгилайдиган фармойиш ҳужжатларининг мавжудлиги ва таркиби аниқланади.

ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ МАЗМУНИНИ ИФОДАЛАЙДИГАН МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ

1.3.1. чизма



13.1.-чизма. Ҳисоб сиёсатининг мазмунини ифодаладиган маълумот
манбалари

Ҳисоб сиёсатини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади - «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли №1 БҲМС талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона бухгалтерия ҳисоботининг ишончилиги тўғрисида хулоса тузишдан иборат бўлиб, ҳисоб сиёсати №1 БҲМСга мувофиқ уларни бажаришни таъминлаши лозим. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоботининг ишончилиги тўғрисида фикр шакллантиришда қуйидаги ҳолатлар ҳам инобатга олиниши зарур:

- корхоналарнинг мулкӣ ҳолислиги;
- ҳисоб сиёсатини қўллашнинг изчиллиги;
- хўжалик фаолияти фактларининг аниқлиги.

№1 БҲМС 56 бандига мувофиқ ҳисоб сиёсати календар йили давомида ўзгартирилмайди. Фақат хўжалик юритувчи субъектни қайта ташкил этилиш (бирлашиш, бўлиниш, қўшиб олиш), мулкдорлар алмашиши, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг ўзгариши ва бухгалтерия ҳисобининг янги услублари ишлаб чиқилган ҳолларда ҳисоб сиёсати ўзгартирилиши мумкин (№1 БҲМС 56. 1, 56. 2, 56. 3, 56. 4).

Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқларни аудиторлар томонидан тест синовидан ўтказиш амалиёти шуни кўрсатмоқда-ки, айрим хўжалик юритувчи субъектлар бу ҳужжатга ҳисоб сиёсатига тааллуқли бўлмаган нарсаларни ҳам киритадилар. Масалан, ходимларга иш ҳақи бериш муддатлари, таътиллار давомийлиги, меъёридан ошиқ хизмат сафари харажатлари ва ҳоказо. Бундай ахборотлар корхонанинг бошқа ички ҳужжатларида акс эттирилади. Айрим корхоналар бухгалтерия ҳисобининг барча мумкин бўлган унсурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби услубларини, улар олдин қўлланганлиги ва кейинчалик қўлланиши зарурлигига қарамасдан буйруққа киритишлари оқибатида хато-камчиликларга йўл қўядилар.


Бошқа томондан, аудитор бухгалтерия ҳисоботининг ишончилиги ва унинг корхонадаги ҳақиқий аҳволига мос келиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириши зарур. Ҳисоб сиёсати акс эттирилишининг ишончилиги тўғрисида аудиторнинг фикри корхона контрагентлари хулосалари ва ҳатти-ҳаракатларининг асоси ҳисобланади.

Аудитор юқорида келтирилган масалалар қанчалик ишончли ва тўлиқ очиб берилганлигини, шунингдек, фаолият предмети тақозо этадиган, даромад ёки операцион даромад сифатида туркумланган даромадларни тан олиш тўғрисидаги қарорлар нима билан изоҳланишини аниқлаши лозим. Бунда аудитор корхонада ҳисоб сиёсатини қабул қилиш чоғида «фаолият предмети» тўғрисидаги масалани ҳал этишда қабул қилинган омилларни (муҳимлик, мунтазамлик ва шунга ўхшаш) эътиборга олади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоботининг ишончилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси ҳисоб сиёсати тўғри-сидаги ахборотларга ҳам бир хилда тааллуқли бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисоботида берилган тушунтиришларнинг корхонадаги ҳақиқатан фойдаланилаётган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига номувофиқлиги аниқланганида аудиторлик ҳисоботининг хотима қисмида махсус изоҳлар берилиши зарур.

Ички назорат тизимини ўрганиш

Аудитор ички назорат тизимининг ишончилигини ва текшириш ўтказишда унга таяниш мумкинлиги ҳақида асосли қарор қабул қила олиши учун бу тизимни ўрганади. Назорат тизимининг ишончилиги, унинг ҳисоб юритишда муайян шахслар қасддан қилиши мумкин бўлган, шунингдек тасодифий йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш лаёқатидан иборат. Агар, ички назорат тизими ишончли ва сезиларли даражада издан чиқмасдан ишлаётганлигини аниқланса, у бундай тизимдаги бухгалтерлик маълумотларида ҳам катта хатолар йўқ деб тахмин қилишга ҳақлидир. Агар, мабодо ички назорат тизими самарасиз бўлса, аудитор унинг камчиликларидан келиб чиқадиган хатарли вазиятларни бартараф қилиш учун тестлар сони ва уни танлаш ҳажмини кўпайтириши лозим. 1.32.-*чизма*



Тўғри йўлга қўйилган ички назорат тизими хатолар вужудга келишини бартараф этиб, натижада, нотўғри, бефойда қарорлар қабул қилиш ҳамда зарарлар вужудга келишини имкон қадар камайтиради. Бу кўзда тутилмаган хатоларга ҳам, атайлаб қилинганларига ҳам, тўлиғича тааллуқлидир. Бунинг устига ички назорат яхши йўлга қўйилганда тасодифий хатолар осон аниқланади, атайлаб қасддан қилинган хатолар эса фақат пухта ўйланган доимий текширув ва масъулиятларни тақсимлаш тизими ёрдамида бартараф қилиниши мумкин.

Кўплаб мутахассислар таъкидлашича, ички назорат тизими фақат корхонада ички назорат ички аудит хизмати томонидан амалга оширилгандагина яхши самара беради, жамоатчилик тафтиш комиссиясига юкланганида эса ёмон ишлайди, бошқалар эса ички аудит ички назорат

тизими элементларидан биригина халос деб тасдиқлайдилар.

Ички назорат тизими- бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобо-тининг тўғрилигини таъминлашга қаратилган, ҳамда корхона ресурсларидан мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланишга имкон яратадиган доимий, кундалик ишлар мажмуидир.

Яхши ташкил этилган ички назорат тизими қўйидаги элементлари билан тавсифланади:

- ахборотларни тўплаш тизими мавжуд хатоларни ўз вақтида аниқлайди;
- амалдаги масъулият тизими ҳар қандай вазифани бошдан охиригача якка ўзи амалга оширишига йўл қўймайди;
- ҳар қандай муомалаларни мувофиқлаштириш тизими мавжуд;
- инвентаризация мунтазам равишда ўтказилади;
- бухгалтерия ҳисоботлари ва режадан четга чиқишлар таҳлил қилинади.

Агар ҳар кунлик иш ички назорат остида бўлса, даромадлар кўпаяди. Кундалик иш ишончли бўлса даромадни йўқо-тиш хавф-хатари ҳам пасаяди.

Ички назоратнинг тузилиши турли хил бўлиши, корхона фаолияти, унинг ҳажми, электрон ҳисоблаш машинаси билан жиҳозланганлиги, раҳбариятнинг шахсан назорат қила олиш имкониятлари ва кўплаб бошқа омилларга боғлиқ.

Аудитор мижоз учун самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишга жавобгар эмас. Бундай тизимни яратиш корхонанинг ташкилий тузилмасини, назорат амалларини ва ҳужжатлаштиришни ишлаб чиқишни тақозо этади. Аудиторлик фирмаси ишлаб чиқадиған назорат тизими бу консалтацион хизматлар бўлиб, уларни фирма ўзининг аудиторлик функцияларига киритмайди.

Назорат муҳити деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг хабардорлиги, ички назорат тизимини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари тушунилади.

- 1) ишларни мувофиқлаштириш (битта хўжалик муомаласининг турли жиҳатларини кўриб чиқиш) ҳисобига атайлаб

қилинмайдиган хатоларни аниқлаш ва тўғрилаш осонлашади.

2) ахборотларни бузиб кўрсатиш қийинроқ бўлади, чунки бу икки ёки ундан ортиқ ишчи шахсларнинг тил бириктиришини талаб этади.

Назорат қилиб туриш назорат муҳитининг муҳим элементи ҳисобланади. Корхонада ҳисоб функциялари ва назорат амалларини корхона ходимлари ва компьютер тизими бажариши мумкин. Менежерлар томонидан бу функциялар бажарилиши устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш эътиборга молик. Кредитлаш бўйича менежерлар иши устидан назоратни амалга оширувчи назоратчи, масалан, дебиторлар счётларидаги сальдоларни назорат счёти маълумотларига вақти-вақти билан таққослаб туриши мумкин. Бўлинмалар раҳбарлари ёки назоратчилари хизматчилар томонидан топилган хатоларни тузатишлари, шунингдек, корхонадаги ҳисоб тизимига тааллуқли қарорлар қабул қилиши ва рухсат этиши мумкин. Назорат ўрнатиш бошқарув назоратининг муҳим воситаси ва бутун ички назорат тизими фаолият кўрсатишининг шартини ҳисобланади.

I-боб хулоса

Магистрлик ишининг биринчи бобида аудит ўтказиш босқичларининг назарий асослари тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топган бўлиб, ушбу қисмдан иборат;

Биринчи қисмда Ўзбекистонда иқтисодий инқироз шароитида аудиторлик текшируви ўтказишни роли, унга таъсир этувчи омиллар тўғрисида фикр юритилиб иқтисодий ислохотларни либераллаштириш ва чуқурлаштириш натижасида хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди. Давлат ва назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текширувлар Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Давлат ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашишини кескин қисқартириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириганлиги мисоллар билан ёритиб ўтилган.

Магистрлик ишининг аудиторлик ташкилотлари олдида бир канча масалаларни долзарб қилиб қўйиши, жумладан: хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий ахбороти тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида аудиторлик текширувини ўтказиш ҳамда бошқа малакали хизматлар кўрсатиш. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намойён этаётганлиги ёритиб берилган. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли

даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилганлиги жадваллар асосида келтириб ўтилган.

II-боб. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА АУДИТ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАРТИБИ ВА УНДАГИ АМАЛЛАР

2.1. Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини режалаштириш

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандартининг 3-сон “Аудитни режалаштириш” стандарти "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида келтирилган асосий қоидаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 296-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш унсури ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи аудитини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёрларни белгилаш аудитнинг мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар стандартнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Аудитни режалаштириш дастлабки босқичининг баёни;
- Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш тамойилларини таърифлаш;
- Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш ҳамда тузиш тартибининг баёни.

Мазкур босқичнинг талаблари расмий аудиторлик хулосасини тайёрлашни назарда тутадиган аудитни амалга ошириш пайтида барча

аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади, улар тавсия тусида эканлиги очиқ кўрсатилган қоидалари бундан мустасно.

Мазкур стандартнинг талаблари унинг натижалари бўйича расмий аудиторлик хулосаси тайёрлашни назарда тутмайдиган аудитни ўтказиш пайтида, шунингдек, аудитни турдош хизматлар (консалтинг хизматлари) кўрсатилиши пайтида тавсия тусида бўлади. Аниқ топшириқни бажариш пайтида мазкур стандартнинг мажбурий талабларидан четга чиқилган тақдирда аудиторлик ташкилоти буни ўзининг иш ҳужжатларида ва аудит ёки унга турдош бўлган хизматларга буюртма берган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ҳисоботда мажбурий тартибда қайд этиши шарт.

Режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишдан, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида ҳолис ва асосли фикр шакллантирилиши учун звурр бўлган аудиторлик русум-қоидаларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Аудитни режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қуйидаги асосий босқичларни ажратиши керак:

- Дастлабки режалаштириш;
- Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
- Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш⁷

Аудиторлик текширувининг муваффақиятсизлик таваккалчилигини камайитириш мақсадида аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлар бўлажак мижозларни баҳолаш учун ишончли мезонларга эга бўлишлари лозим. Мижозни атрофлича ўйламаган ҳолда муваффақиятсиз танлаш йирик молиявий ва маънавий харажатларга олиб келиши, ташкилот ва аудитор обрўсига путур етказиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида бозорни

⁷ Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 3-сон

шакллантириш даврида кўпчилик савдо-сотиқ билан шуғулланувчи тизимлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тузишга буюртма бериши муносабати билан, аудиторлик ташкилотлар томонидан мижозларни пухта ўйлаб танлаб олиш тизимига эга бўлиши айниқса муҳимдир.

Аудиторлик ташкилотлар томонидан мижозларни танлаб олиш бўйича асосий муолажалар қуйидагилардан иборат:

- тармоқ тавсифини баҳолаш;
- аудиторлик текшируви ва мазкур мижознинг мақсадлари ва келажақда унинг натижаларидан фойдаланиш имкониятини аниқлаш;
- раҳбарларнинг ўзига хос бўлган томонларини аниқлаш;
- аудит ўтказиш учун сарфланиши мумкин бўлган меҳнат ҳажми ва мураккаблиги ҳамда аудиторлик таваккалчилигига олдиндан баҳо бериш;
- аудиторларнинг алмаштирилиши ёки бир неча маротаба алмаштирилиши сабабларига баҳо бериш;
- аудит натижалари бўйича аввалги аудиторлик хулосаларидаги шарҳлар билан танишиш;
- бўлажак мижознинг солиқ идоралари, банклар, ҳамкорлар, акциядорлар ва молиявий ҳисоботнинг бошқа фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларидаги тавсифлари ва муаммоларини аниқлаш;
- тақдимномалар олиш (масалан, турли ташкилотлар, мутахассислар ва бошқалардан);
- ҳисоботни таҳлилий текшириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳолати ҳамда бўлажак мижознинг жорий ва вужудга келиши мумкин бўлган муаммолари билан олдиндан танишиш;

тегишли ходимлар мавжудлиги, мижоз тармоғини билишлик ва хоказолар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, аудиторлик фирмаси ёки аудитор ушбу ишни бажара олиш имкониятини баҳолаш.

Агар юқорида қайд этилган ёки бошқа муолажалар натижалари аудит таваккалчилиги юқори даража деб кўрсатса, қўйилган масала аудитор учун жуда ҳам мураккаб ва меҳнат сарфининг ҳажми кўп бўлса, миждоз хизмат кўрсатиш учун қабул қилинмайди.

Аудиторлик фирмалари миждозларини бир нечта турларга ажратиш мумкин, масалан, аудиторлик текшируви жараёнида "миждоз-аудитор" ўзаро алоқаларидан келиб чиққан ҳолда.

Юзаки-расмий: ушбу турдаги миждозлар аудитор билан яқин алоқа боғлашни истамайдилар ва аудиторлик текширувини тезкорлик билан якунлашни талаб қиладилар. Бу ҳолда, аудитордан миждоз учун энг кам сарфланган вақт ва харажатлар билан, фақат аудиторлик хулосасини тайёрлаш ва тақдим этиш талаб қилинади.

Норасмий: бу турга аудитор билан яқин алоқа ўрнатадиган ва унинг ёрдамига ишонадиган миждозлар киради. Бунда ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда, асосий иш билан бир қаторда, ташқи аудитор ички аудиторнинг айрим вазифаларини бажаради, шунингдек, одатда, бир қатор қўшимча хизматлар ҳам кўрсатади (маслаҳат бериш, таҳлил, амалий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар).

Аудитор аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузишдан олдин миждоз қайси турга мансуб эканлигини аниқлаши лозим. *(илова)*

Агар миждоз норасмий турга мансуб бўлса, аудитор келажакдаги қўшимча равишда маслаҳатлар моҳиятини, аудиторлик текшируви натижалари бўйича кутилаётган қўшимча маълумотлар мазмунини аниқлаши керак. Аудиторлик текшируви тўғрисидаги шартномада ушбу барча масалаларни акс этилиши мақсадга мувофиқдир.

Миждоз бизнесини билиш ва маълумотни тегишли равишда қўллаш аудиторга қуйидагиларни бажаришга ёрдам беради:

- таваккалчиликларга баҳо бериш ва муаммоларни аниқлашга;
- аудитни янада ҳам самарадорлик ва оқилона режалаштириш ва бажаришга;

- аудиторлик далилларга баҳо беришга;
- мижозга янада ҳам яхшироқ хизмат кўрсатишга.
- Аудитнинг барча босқичларида аудитор мижоз бизнесини билиш муҳим касб этадиган кўп жабҳалар бўйича фикр-мулоҳаза шакллантиради. Масалан:
- назорат таваккалчилигига баҳо бериш;
- ишга оид таваккалчиликлар субъект раҳбариятининг ушбу таваккалчиликлар юзасидан ҳаракатларини кўриб чиқиш;
- аудитнинг умумий режаси ва аудит дастурини ишлаб чиқиш;
- аҳамиятлилиқ даражаси ва аниқлаш ҳамда танланган аҳамиятлилиқ даражаси тегишли бўлиб қолишлигига баҳо бериш;
- мувофиқлигини аниқлаш учун аудиторлик далилларга баҳо бериш ҳамда молиявий ҳисоботнинг тегишли тасдиқлар амалда тўғрилигига баҳо бериш;
- аудит пайтида алоҳида кўриб чиқишни ва махсус кўникмалар қўллашни талаб қиладиган соҳаларни аниқлаш;
- ўзаро боғлиқ томонлар ва улар ўртасидаги операцияларни солиштириш;
- сўровларни ўтказиш ва жавобларнинг асосланганлигига баҳо бериш;
- ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботда маълумот ёритилиши мослигини кўриб чиқиш.

Аудитор, аудит учун тайинланган аудитор ёрдамчилари мижоз бизнеси тўғрисида топширилган ишни бажаришга имкон берадиган етарли ҳажмда билим олганликларига ишонч ҳосил қилиши лозим. Аудитор, шунингдек, аудитор ёрдамчилар қўшимча маълумотни ҳисобга олиш ва ушбу маълумотни аудитор ва бошқа аудитор ёрдамчиларига етказиш лозимлигини тушунаётганликларига ишонч ҳосил қилиши керак.

Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартнома "мижоз-аудитор" ўзаро муносабатларини чегаралаб берувчи расмий ҳужжат ҳисобланади ва умумий жиҳатлари билан тадбиркорлик фаолиятида

қўлланиладиган шартномалардан фарқ қилмайди. Бу ҳужжат, бошқа шартномалар каби, томонларнинг, яъни шартнома иштирокчиларининг, бу ерда буюртмачи-мижоз ва ижрочи-аудитор, ўзаро келишилган манфаатларини ҳуқуқий томондан тартибга солади.

Кўпчилик аудиторлик ташкилотлар шартнома тузишнинг намунавий шаклларида фойдаланадилар, лекин, шунга қарамасдан, шартномада аниқ бир корхонани аудит қилиш хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир, зеро мижозлар, кўп ҳолларда, унинг маъноси ва моҳиятини етарли даражада тушунмасликлари мумкин.

Шартномада мижоз томонидан аудиторлик ташкилотига олдиндан пул тўлашни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир, зеро олдиндан пул тўланиши аудиторни молиявий мустақиллигини таъминлайди, текширув ўтказиш жараёнида мижоз томонидан ўтказилган аудит учун тегишли ҳақини тўламаслик йўли билан кўрkitиб "тазийқ" ўтказишни олдини олади. Одатда, аудиторлик фирмалари томонидан олдиндан пул ўтказиш миқдори тўғрисидаги талаблари 50 фоиздан 100 фоизгачани ташкил этади.

Шартномада текширув жараёнида мижоз томонидан аудиторга ёрдам кўрсатиши лозимлиги тўғрисида мажбур эканлигини кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир (инвентаризация ўтказишда ёрдам бериш учун ўз ходимларини жалб қилиш, хизмат сафарига чиқиш зарурияти бўлганда аудитори транспорт воситаси билан таъминлаш ва бошқалар).

Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозори тобора шаклланиб бориши натижасида аудиторлик хизматларига оид нарх-наволар тартибга солинмоқда.

Мижозга йўлланган аудитор (аудиторлик фирмаси) нинг мажбурият-хати аудит ўтказишга розилигини ёки айрим корхоналар ва ташкилотлар (банклар, жамғармалар, суғурта компаниялари, очик турдаги акциядорлик жамиятлар ва бошқалар) учун қонунчиликда кўзда тутилган расмий аудиторларни таклиф этилишини тан олганлигини тасдиқлайди.

Аудиторлик текшируви бошланишдан олдин мижозга хат йўлланиши мижозни ҳам аудиторни ҳам манфаатларига мос келади, чунки бу аудиторлик текшируви якунлангандан кейин икки тарафнинг мажбуриятларига оид кўплаб англашилмовчиликларни олдини олиш имкониятини яратади.

Хатнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

- аудит объектларини ёритиш (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот) ва унинг миқёсларини аниқлаш (текширув мазмуни ва муддатлари);
- тақдим этилган маълумотлар учун мижознинг масъуллигини белгилаш;
- амалдаги меъёрий ҳужжатлар, қонунчилик ёки малакали аудиторлик бирлашмалар тавсиялари, аудитор риоя қиладиган қоидалар доирасида аудит чегараларини белгилаш;
- аудиторлик фаолияти натижалари бўйича жамловчи хулоса, ҳисобот ёки бошқа турларини аниқлаш;
- ички назорат тизими номукамаллиги сабабли муҳим аниқсизликлар ёки хатоликлар аниқланмай қолиниши таваккалчилигини белгилаш;
- аудит пайтида ўрганиладиган барча мунтазам ва таҳлилий ҳисоб, ҳужжатлар ва бошқа турдаги керакли маълумотлардан бемалол фойдаланиш имконини яратиш;
- тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган сирни сақлаш тўғрисида аудиторнинг мажбурияти.

Аудит ўтказиш тўғрисида розилик берилган хатда аудитор ва мижоз жавобгарлиги белгиланади. Аудитор жавобгарлиги деб амалдаги қонунчиликка ва томонлар келишувига мувофиқ аудиторнинг маънавий ва моддий жавобгарлиги тушунилади. Аудитор молиявий ҳисоботга оид ўз хулосаси бўйича жавобгардир.

Субъект тўғрисида умумий маълумот олиш. Ушбу босқичда аудитор мижоз билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этиши керак. Мижоз қайси сабабларга кўра аудитор хизматига мурожаат қилаётганлигини аниқлаши, текширув ўтказиш учун ходимлар жадвалини шакллантириши, мижоз билан шартнома тузиши лозим.

Аудитор ҳуқуқшунослар, бошқа аудиторлик фирмалар, тадбиркорлар ва бошқалар томонидан тақдим этилган маълумотдан фойдаланиши мумкин.

Корхона тўғрисида умумий маълумот кейинчалик ҳисобот ишончилиги тўғрисида асосланган хулоса тайёрлаш учун керак бўлади. Хусусан, корхонанинг тармоқ ва фаолиятининг ўзига хос бўлган хусусиятларини, унинг ташкилий тузилишини аниқлаш, ташқи, молиявий ва бошқа алоқаларини текшириш, ҳуқуқий мажбуриятлари билан танишиш лозим.

Корхона тўғрисида ахборотни олиш учун аудитор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- аввалги аудитор билан алоқа боғлаш;
- ўтган йилнинг йил охирига бўлган молиявий ҳисоботини ва жорий йилнинг оралик молиявий ҳисоботини ўрганиш;
- бошқа инстанцияларга юборилган хўжалик юритувчи субъект ҳисоботларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандартининг 3-сон “Аудитни режалаштириш” стандартининг 31 қисмида келтирилишича “Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ассистентлари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади”

Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ассистентлари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудитор аудитни тахмин қилинаётган кўлами ва ўтказиш тартибини баён этган ҳолда, аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиши ва

расмийлаштириши лозим. Аудит дастурини ишлаб чиқишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши учун, аудит умумий режасининг ҳужжатли акс эттирилиши етарли даражада батафсил бўлиши керак, бунда унинг аниқ шакли ва мазмуни субъект катталиги, аудитнинг мураккаблиги ҳамда аудитор қўллаётган аниқ услубият ва технологияга боғлиқ.

Аудитор аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун керакли бўлган, режалаштирилган аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгиловчи аудит дастурини ишлаб чиқиши ва ҳужжатли расмийлаштириши лозим. Аудит дастури аудитда иштирок этаётган аудитор ёрдамчилари учун йўриқномалар тўплами ҳамда ишни тегишли равишда бажарилиши ва акс эттирилиши юзасидан назорат қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Шунингдек, аудит дастури аудитнинг ҳар бир бўлими бўйича белгиланган вазифалар ва аудитнинг турли жабҳалари ёки муолажаларига ажратилган соатлар миқдори кўрсатилган вақт бюджетидан иборат бўлиши мумкин.

Аудитнинг дастури аудит режасининг ривожланиши ҳисобланиб, текширувнинг ҳар бир аниқ бўлими учун керакли бўлган аудиторлик муолажалар рўйхатидан иборатдир. Аудиторлик дастурлар қуйидаги икки турда бўлади:

1) корхона ички назорат тизими тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган назорат тестлари дастури;

2) бевосита счетлардаги қолдиқлар тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган счетлардаги қолдиқларни текшириш дастури.

Дастурда аудиторлик текширувини ўтказиш учун керакли бўлган ходимлар сони, улар ишининг ҳажми ва мазмуни белгиланади. Одатда аудитни асосий аудитор, аудитор ёрдамчилари ва ассистентларидан иборат гуруҳ амалга оширади. Молиявий ҳисобот моддалари тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида миқдорий хатолар ва камчиликларни текшириш учун операциялар тестлари ишлаб чиқилади.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш пайтида аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботни ишончли деб ҳисоблаш имконини берадиган жиддийлик ва аудиторлик таваккалчилиги учун мақбул даражасини белгилаши керак.

Аудиторлик таваккалчилигини режалаштираркан, аудиторлик ташкилоти, хўжалик юритувчи субъект аудитидан қатъи назар, ушбу ҳисоботга хос бўлган молиявий ҳисоботнинг ажралмас таваккалчилиги ва назорат таваккалчилигини белгилайди. Белгиланган таваккалчиликлар ва жиддийлик даражаси ёрдамида аудиторлик ташкилоти аудит учун аҳамиятли соҳаларни аниқлайди ва зарур аудиторлик русум-қоидаларини режалаштиради. Аудит жараёнида режалаштириш пайтида белгиланган аудиторлик таваккалчилиги ва жиддийлик даражасининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Умумий режада аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш муддатларини назарда тутиши ва аудитни ўтказиш муддатларини, ҳисобот (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузишни назарда тутиши шарт.

Аудиторлик ташкилоти умумий режада ички аудит ролини, шунингдек аудит ўтказиш жараёнига экспертларни жалб этиш заруратини белгилайди.

Аудитнинг дастурини тузиш. Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ассистентлари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш ҳужжатларида расман акс эттирилган хулосалари аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузиш учун факт материали, шунингдек, хўжалик юритувчи

субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг холис фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Аудитни режалаштириш жараёни тугаганидан сўнг аудит умумий режаси ва дастури ҳужжатни расмийлаштирилиши ва уларга белгиланган тартибда виза қўйилиши керак.

Аудиторлик текширувларида муҳим эътибор талаб қиладиган жиҳатлардан бири муҳимлик даражасини тўғри белгилаб олиш ҳисобланади. «Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» номли 9-сон АМСнинг 8-бандига кўра, муҳимлик тушунчаси деганда молиявий ҳисоботни бузишнинг энг юқори қиймати тушунилади, ундан бошлаб ана шу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга кодир бўлмай қолади⁸. Иқтисодчи олим М.Тўлахўжаеванинг фикрича, ҳисоботдаги фойдаланувчиларни қарорлар қабул қилишда чалғитиши мумкин бўлган, оқибатда бефойда молиявий сарф-харажатлар, nobудгарчиликка ва зарарларга олиб келадиган хато ва тушириб қолдиришлар жиддий, муҳим (моддий) ҳисобланади⁹

Халқаро стандартларида муҳимлик бухгалтерия маълумотларини нотўғри ёки ноаниқ акс эттириш ёки ўтказиб юбориш, деб талқин қилинади.

Чунки корхоналар фаолият кўламининг турли-туманлиги ва инфляция даражаси бунга таъсир қилади. Баъзи аудиторлар муайян миқдордан юқори бўлган хатони ҳар қандай шароитда муҳим бўлиши мумкин деб ҳисоблашадилар¹⁰.

Амалиётда кўпинча нисбий кўрсаткичлар ишлатилади. Улар ёки муайян аниқ фоизда ёки оралиқни акс эттириши мумкин. Масалан, баланс фойдасининг 4% миқдорида бўлса, бу аниқ чегарани кўрсатиб туради, агар баланс фойдасининг 2-4% атрофида дейилса, бу муайян оралиқни кўрсатади. Муҳимлик мезонлари ҳисоботга қанақа белгиланса, унинг элементлари

⁸ «Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» номли 9-сон АМС. Ўзбекистон Республикасининг Молиявий Қонунлари. №16, 1999. 8-банд.

⁹ Тўлаходжаева М.М. «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий назорат тизими», -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 1998. 107-бет.

¹⁰ Робертсон Дж. Аудит. –М.: КРМҚ, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. 111-бет

бўйича ҳам шу тартибда белгиланади. Ҳисоботнинг муҳим бўлган каторларини текширишда, албатта, аудиторлик танлови ўтказилади.

Аудиторга муҳимликнинг жуда ҳам паст ёки жуда ҳам юқори даражасини қўллаш тавсия этилмайди. Биринчи ҳолатда текшириш кўп вақт ва куч талаб қилади. Бундай текширув қимматга тушиши ва узоқ вақтга чўзилиши мумкин. Ўта юқори муҳимлик даражаси ҳолатида кам аудиторлик амаллари қўлланилиши ва амалга ошмаслик таввакалчилиги (дахлсизлик таваккалчилиги) юқори бўлиши мумкин.

Шу боисдан ғарб аудиторлик фирмалари муҳимлик даражасига яқин ёки оптимал вариантни танлаш учун ярим эмпирик йўлдан боришади¹¹.

Аудиторлик текшируви ҳар доим таваккалчилик билан ҳамоҳанг тарзда бўлади. Аудитор таваккалчилик нима билан тугаши, унинг моҳияти, таркибий қисмлари, унинг максимал чегарасини англаши лозим.

Аудиторлик таваккалчилиги ва аудиторлик муҳимлиги ўртасида карама-қарши боғлиқлик мавжуд:

- қатъийроқ муҳимлик даражаси мавжуд бўлганда аудиторлик таваккалчилиги паст бўлади;
- муҳимлик даражаси унчалик қатъий бўлмаган шароитда аудиторлик таваккалчилиги юқори бўлади.

Хулоса тарзида шуни айтишимиз мумкинки, муҳимлик даражаси аудиторлик таваккалчилиги ҳамда аудиторлик амалларга чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу даражани тўғри белгилаш аудиторлик текшируви вақтини тўғри белгилаш, текширишга сафланадиган харажатларни оптимал тақсимлаш имконини беради.

Энг муҳим кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни олиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган фоизларни тавсия сифатида белгилаш мумкин

¹¹ Гутцайт Е.М., Островский О.М., Ремизов Н.А. Отечественные правила (стандарты) аудита и их использование. –М.: ФБК-ПРЕСС, 1998. 142-бет.

Молиявий ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари бўйича жиддийлик даражасини ҳисоблаш *(6-чизма)*

Асосий кўрсаткичлар	Асосий кўрсаткич қиймати (м.с.)	%	Жиддийлик даражасининг суммаси, (м.с)
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган тушум (2-шакл, 010-сатр)	723491,0	5	36175,
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннари (2-шакл, 020-сатр)	177826,0	3	5335,0
Жами давр харажатлари (2-шакл, 040-сатр)	32833,0	3	985,0
Корхонанинг хусусий капитали (1-шакл, 460-сатр)	241567,0	2	4831,0
Баланснинг умумий суммаси (1-шакл активдаги 380-сатр ёки пассивидаги 700-сатр)	135945,0	10	13595,
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (1-шакл, 150-сатр)	322762,0	2	6455,0
Таксимланмаган фойда	23819,0	2	476,0

Хулоса қилиб айтганда, жиддийлик ва таваккалчилик даражасини баҳолаш аудиторлик текширувини муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг малакали амалга оширилиши нафақат сифатли аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тузиш, балки аудиторлик ташкилоти каби, миждоз-ташкилотнинг ҳам барқарор ривожланишига замин яратади.

2.2. Аудиторлик фаолиятида далил тўплаш босқичи

Аудиторлик фаолиятини олиб бориш жараёнида корхона молиявий ҳисоботлари маълумотларини кўриб чиқишда асосан бухгалтерия дастлабки ҳужжатларидан фойдаланилади. Қайсики жойда иш фаолияти бўлар экан у жойда хато ва камчиликлар бўлиши муқаррардир. Ушбу ҳолатларни олдини олиш ва хато камчиликларни аниқлаш учун №50-АФМС «Аудиторлик далиллар» номли махсус стандарт ишлаб чиқилган бўлиб, бу стандартга Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддаси¹², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 149-бет

текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандига¹³ асосан ишлаб чиқилган ва у Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг меъёрий тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу стандартлар аудиторлик фаолиятининг Республикамиз ва халқаро амалиётида олинадиган далилларнинг етарлилик даражасини ва уларни тўплашга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайди.

Бизнинг мамлакатимизда эса шу вақтгача қабул қилинган аудиторлик фаолияти миллий стандартларидан қуйидагиларни шундай бўлим сифатида умумлаштириш мумкин:

№10-АФМС «Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқа ахборотлар»; №11-АФМС «Маълумотларни компьютерда ишлаш (МКИ) шароитида аудит ўтказиш»; №13-АФМС «Таҳлилий амаллар»; №14-АФМС «Аудиторлик танлаш»; №16-АФМС «Эксперт ишидан фойдаланиш»; №50-АФМС «Аудиторлик далиллар».

Аудиторлик далилларнинг миқдор ва сифат кўрсаткич-лариغا, шунингдек уларни олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан қўйиладиган талаблар № 50 – «Аудиторлик далиллари» номли АФМСда белгиланган. Ушбу стандарт талабларини барча аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш чоғида қўллаши мажбурийдир.

Аудитор молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини асослаши учун қуйидаги амалларни бажариш натижасида етарли аудиторлик далилларини тўплаши лозим:

- счётлар бўйича оборотлар ва қолдиқларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилишини батафсил текшириш;
- таҳлилий амаллар;
- ички назорат воситаларини текшириш;


Аудиторлик далилларни тўплаш учун зарур бўлган аудиторлик амаллари

¹³ Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 йил, 9-сон, 62-бет

ва уларнинг ҳажми аудит дастурида кўрсатилади.

Аудиторлик далиллар – бу аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувлар вақтида тўпланган ва аудиторлик хулосасини асословчи ахборотдир. (7-чизма)

Аудиторлик далилларини олиш омиллари



Демак, аудиторлик далиллар аудиторлик текшируви жараёнида текширилаётган мижоз – корхона ва учинчи шахслардан олинган ахборотлар ҳамда уларни таҳлил қилиш натижалари бўлиб, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғриси-да аудиторлик хулосаси тузиш имконини беради.

Ушбу таъриф ва тавсифлардаги таянч тушунчаларни батафсил кўриб чиқамиз.

Далил дейилганда бошқа фактнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки инкор қиладиган факт, ёки мазкур факт ҳақида у ёки бу даражадаги ишончлилиқ билан фикр шакллантиришга имкон берадиган, маълум факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади.

Ахборот – хўжалиқ фаолиятидаги фактлар тўғрисидаги хабарлар тўпламидир.

Мижоз корхона – аудиторлик хизмати кўрсатилаётган хўжалиқ юритувчи субъект.

Учинчи шахслар – аудитор ёки мижоз корхона билан у ёки бу тарзда алоқадор бўлган ва бу алоқадорлик аудитор фикрига жиддий таъсир кўрсатадиган ҳуқуқий ёки жисмоний шахслардир.

Таҳлил қилиш – бу мижоз корхона бухгалтерия ҳисоботида фактларнинг аудитор томонидан мушоҳада қилиниши ва ўз фикрини шакллантириши.

Ишончлилиқ – молиявий ҳисобот маълумотларининг улардан малакали фойдаланувчиларга хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг натижалари тўғрисида тўғри хулосалар қилишга ва ушбу хулосаларга асосланган қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражаси тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бу аудиторлик далиллар қанчалиқ ишончга сазовар ва ҳақиқатга яқин эканлигини тавсифлайди. Аудит жараёнида олинган далилларнинг ишончлилиги мустақиллик ва манба компетентлиги, ички назорат тизимининг самарадорлиги каби омилларга боғлиқ. Аудиторнинг ўзи мустақил манбалардан олган далилларнинг ишончлилиқ даражаси хўжалиқ юритувчи субъектдан олинган далилларга қараганда юқорироқ. Барча далиллар йиғиндисини фақат сўнгилари етарли бўлганидагина ишончли деб ҳисоблаш мумкин.

Далилларнинг етарлилиги уларнинг миқдори ва сифати билан белгиланади. У танлаш кўлами ва тўпламдаги муайян элементларнинг тавсифи билан боғлиқ. Далилларнинг етарлилигини аниқлашда қуйидаги

ҳолатларни ҳисобга олиш зарур: мустақил манбалар (учинчи шахслар)дан олинган далилларнинг мижоз-корхона ходимларидан олинган далилларга нисбатан ишончлироқ эканлиги; аудиторлик ташкилотининг мустақил текшируви ёки таҳлили натижасида олинган маълумотларнинг учинчи шахслардан олинган маълумотларга қараганда ишончлироқ эканлиги; ҳужжатлар ва ёзма кўрсатмалар шаклидаги аудиторлик далилларининг оғзаки кўрсатмаларга қараганда ишончлироқ эканлиги. Ниҳоят, турли манбалардан олинган далиллардан фойдаланиш натижасида қилинган хулосаларни таққослаш имкониятларини ҳисобга олиш керак.

Тўпланган далиллар текшириладиган ҳисобот тузилган санага қанчалик яқин бўлса, улар шунчалик ишонарли бўлади.

Агар хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги далиллар мижоз корхона маъмуриятига аудиторлик хулосаси солиқ органига топширилмасдан олдин тақдим этилган бўлса, у ҳолда бухгалтерияда ҳисоботларга зарур тузатишларни киритиш имкони бўлади. Агар ҳисобот солиқ органига топширилганидан сўнг аудит ўтказилса, тузатиш киритиш имкони йўқ, лекин жорий даврда аниқланган хато камчиликларни ўз вақтида тузатиш мумкин.

Аудиторлик текширувлар жараёнида тўпланадиган далиллар турли-туман бўлиб, улар тури, манбаси ва олинди усулларига кўра туркумланади.

Аудиторлик далиллар турларига кўра ёзма ва оғзаки далилларга бўлинади.

Ёзма равишда олинган далиллар (ҳужжатлар ва ёзма тушунтиришлар) оғзаки шаклдаги далилларга қараганда ишончлироқ бўлиши мумкин. Аммо айрим ҳолларда оғзаки далиллар анча муҳим ва фойдали бўлиши мумкин.

Ҳужжатлаштирилган фактларни аниқлаш молиявий ҳисоботни ва ҳисоб регистрларини тўлдириш учун асос бўлган дастлабки ҳужжатларни текшириш йўли билан амалга оширилади. Буларга таннархни асоссиз равишда ошириб юбориш ёки товарсиз операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ операциялар мисол бўлиши мумкин. Шунингдек, битта ҳужжатнинг турли нусхаларидаги ёзувларининг бир-бирларига мос келмаслик ҳолатлари.

Махсус ўтказилган таҳлил натижасида фактларни аниқ-лаш ҳужжатларда келтирилган маълумотларни мантиқий жойлаштириш ва математик ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бундай аргументлаш рационал деб номланади ва у аудит жараёнида салмоқли ўрин тутди. Масалан:

1) 2910-«Омборлардаги товарлар» сче­тида корхона мулки ҳисобланган товарлар ҳисобга олиниши лозим;

2) аудитор ушбу товарлар учун корхонанинг мулк­ий ҳуқуқи мавжудлигини аниқлаши зарур;

3) тақдим этилган ҳужжатлар (шартномалар, товарлар ҳисоботи, банк кўчирмалари) ва мулк­ий ҳуқуқнинг корхонага ўтган пай­тини аниқлаш асосида аудитор товарларнинг эгаси ҳақида хулоса қилади.

Аудитор фикрига биринчи аргумент кўпроқ таъсир кўрсатади. Ҳақиқатда 2910-«Омборлардаги товарлар» сче­тида қолдиқ сифатида кўрсатилган товарлар йўқ бўлса, ҳеч қандай фикр-мулоҳазага ўрин қолмайди. Сўнгра учинчи ва тўртинчи аргументларни аҳамиятлилиги бўйича кўрсатиш мумкин.

Аудиторлик далиллар бевосита олин­адиган манбаларга қуйидагилар киради: мижоз корхона ва учинчи шахсларнинг дастлабки ҳужжатлари; мижоз корхона бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва унинг молия хўжалик фаолиятининг таҳлил натижалари; мижоз корхона ходимлари ва учинчи шахсларнинг оғзаки билдиришлари; мижоз корхонанинг бир ҳужжатларини бошқалари билан солиштириш, ҳамда унинг ҳужжатларини учинчи шахсларнинг ҳужжатлари билан таққослаш; мижоз корхона активлари ва пас­сивларини инвентаризация қилиш натижалари ҳамда унинг молиявий ҳисоботлари.

Ҳар хил манбалардан олинган ва турли шаклдаги аудиторлик далиллар аудиторлик рис­кини пасайтиради.

Агар мижоз корхона аудиторга тула­конли текширув учун зарур ҳажмдаги ҳужжатларни тақдим қилмаса ёки агар аудитор зарур аудиторлик далилларини тўплаш им­конига эга бўлмаса, унинг олдида катта муаммолар вужудга келиши мумкин. №50 «Аудиторлик далиллар» номли АФМСда

таъкидланишича: «Агар аудиторлик ташкилотига хўжалик юритувчи субъект томонидан мавжуд ҳужжатлар тўла ҳажмда тақдим этилмаса ва у қайсидир счет ва (ёки) муомала бўйича етарли аудиторлик далилларини тўплаш имконига эга бўлмаса, аудиторлик ташкилоти бу вазиятни ўзининг ҳисоботида акс эттириши лозим ва салбий аудиторлик хулосаси тузиш тўғриси-даги масалани ўртага қўйиши мумкин. Демак, етишмаётган аудиторлик далиллари жиддий ҳисобланган бухгалтерия ҳисоботи моддаларига тааллуқли бўлса, аудитор аудиторлик хулосаси тузишдан расмий равишда бош тортиши ва бу ҳолни тегишли тарзда расмийлаштириши лозим.

Шундай қилиб, ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги тўғрисида ўз фикрларини шакллантиришда, аудитор аудиторлик далиллар олинadиган турли манбалардан фойдаланиб, аудиторлик рискин пасайтиришни кўзлайди.

Ички назорат воситаларини мувофиқлик учун текшириш аудиторларга ички назорат тизимида кўзда тутилган тадбирлар ва амалларнинг самарадорлиги (самарасизлиги) тўғрисида далиллар тўплашига имкон беради.

Счётлар бўйича қолдиқлар ва оборотларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини батафсил текшириш муайян муомалаларнинг мазмунини ва хатоларини аниқлаш учун ўрганишни назарда тутadi. Батафсил текшириш одатда аудитор томонидан текширув мақсадини, танлашнинг режалаштирилган кўламини ва унинг объектларини саралаб олишни ҳисобга олган ҳолда танлов тўпламини шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

Таҳлилий амаллар миждоз корхонанинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини, кутилмаган ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик муомалаларини аниқлаш, шунингдек бундай хатолар ва чалкашликларнинг сабабларини аниқлашни кўзда тутadi.

Тўпланган аудиторлик далиллари бухгалтерия ҳисобининг йўлга

қўйилишини ва ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ёзувлар, баённомалар, жадваллар ва бланкалар шаклида аудиторнинг ишчи ҳужжатларида акс эттирилиши лозим. Ишчи ҳужжатларда аудиторлик амалларининг режалаштирилиши ва бажарилиш натижаларини ҳам акс эттириш зарур. Аудиторлик далилларини тўплаш кетма-кетлигини қуйидагича:

1. Аудиторлик далилларини тўплашнинг мақсадини шакллантириш шартноманинг умумий аудит режаси ва аудиторлик текширувлар дастурига тааллуқли мақсадига боғлиқ. Шартномадан келиб чиққан ҳолда бошқа мақсадлар ҳам, жумладан ҳисобни ташкил этишнинг самарадорлигини баҳолаш, тўлов лаёқатини, рентабелликни ва бошқаларни башоратлаш ҳам аниқланиши мумкин.

2. Танланган аудиторлик амаллари №3-«Аудитни режалаштириш» номли АФМС га мувофиқ аудитор томонидан аудиторлик текшируви дастурида кўрсатилиши лозим. Бунда аудиторлик амалларидан қайсиларини (назорат воситалари тести ёки моҳиятан текширишлар) ва қайси участкаларда қўллаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш зарур.

3. Аудиторлик далилларини олиш усуллари (қайта ҳисоблаш, инвентаризация, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилиниши, тасдиқлаш, оғзаки сўров, ҳужжатларни текшириш, кузатиб чиқиш, аналитик амаллар) стандартда келтирилган.

4. Аудиторлик текширувлари учун ахборотларни тўплаш. Бунинг учун аудит дастуридаги ҳар бир бўлим бўйича норматив-саволнома ва ҳисоб-ҳисобот маълумотларининг зарур рўйхати тузилади. Норматив-саволнома маълумотлар рўйхати асос сифатида шакллантирилади. Аудитор бу рўйхатни текширув объектига нисбатан аниқлаштиради. Текширувда иштирок этадиган ходимлар ушбу рўйхатдаги ҳужжатларнинг мазмуни билан таништирилган бўлишлари лозим. Текширувни бошлашдан олдин ҳисоб-ҳисобот маълумотлари – миждоз-корхонадан талаб қилиб олинadиган

хужжатлар ва регистрларнинг рўйхатини ҳам тузиш зарур.

5. Аудиторлик амалларни бажариш ва аудит жараёнида аниқланган далилларни баён қилиш. Бу босқичда аудитор аудитни режалаштириш чоғида белгиланган танлов ҳажмидан келиб чиқади. Аниқланган тафовутлар уларни аниқлаш амаллари ёки кодлари ва аудит жараёнида аниқланган далилларнинг батафсил баёни кўрсатилган ҳолда ишчи хужжатларда рўйхатга олинади. Баён қилиш вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ихтиёрий ҳолда бўлиши мумкин ёки махсус ишлаб чиқилган ишчи хужжатлар шакллари тўлдириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

6. Тўпланган далилларни баҳолаш деганда уларнинг аудит мақсадига эришиш ва ишончлилигини аниқлашдаги ролини белгилаш тушунилади.

Далилларни баҳолашда қуйидагиларни аниқлаш зарур: манбанинг мустақиллиги, олинган фактлар ва бошқа маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги (яъни бунинг қонунга зид эмаслиги); мазкур далилнинг текшириладиган объектга тааллуқлилиги; танлаш ҳажми ва методологияси. Шунингдек, мазкур далилнинг объект бўйича тўпланган бошқа далиллар билан алоқадорлиги; ушбу алоқадорликнинг кўлами ва тавсифи; олинган далилларнинг кейинги аудит жараёнида қўлланилиш имкониятлари; аниқланган тафовутларнинг жиддийлик даражаси; олинган далиллар тўпламининг қарор қабул қилиш учун етарлилигини ҳам аниқлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, аудитор молиявий ҳисоботнинг у ёки бу моддаси бўйича жиддий хатолар йўқлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиши лозим.

Аудитор аудиторлик далилларини тўплашда ҳар хил усуллардан фойдаланади. №50-«Аудиторлик далиллар» номли АФМСда келтирилган асосий усулларнинг мазмунини кўриб чиқамиз. Булар: мижоз-корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш); инвентаризация; айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; тасдиқлаш; хўжалик юритувчи субъект ва мустақил (учинчи)

томонлар ходимларини оғзаки сўровдан ўтказиш; ҳужжатларни текшириш; кўриб чиқиш; таҳлилий амаллар; муқобил баланс тузиш каби усуллардир.

Мижоз корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш) унинг мазмуни ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувларининг арифметик аниқлигини текшириш ҳамда мустақил ҳисоб-китобларни бажаришдан иборат.

№50-«Аудиторлик далиллар» номли АФМСда қайта ҳисоблашлар танлаб амалга оширилиши тавсия қилинган. Танлаш кўлами ва унинг элементлари аудитор томонидан ички назорат тизимининг аҳволини ҳисобга олган ҳолда мустақил аниқланади.

Ҳужжатни расмийлаштиришдан ҳисобот тузилгунга қадар маълумотларни шакллантириш устидан ўрнатилган самарали ички назорат тизими (моддий жавобгар шахсларни ўзаро қарама-қарши текшириш, раҳбарият, бош бухгалтер ва бухгалтерлар томонидан назорат) содир бўлиши мумкин бўлган арифметик хатоларни, натижада аудиторлик рискни пасайтиради.

Қўлда тўлғазилган ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари (маълумотномалар ва ҳисоб-китоблар, касса ҳисоботлари, бўнак ҳисоботлари, ҳисоблашув-тўлов ведомостлари ва бошқалар) қайта ҳисоблашдан ўтказилади.

Агар мијоз-корхонада ҳисоб ишлари компьютерлаштирилган бўлса, дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларидаги арифметик ҳисоблашларни текшириш зарурати ошади. Бу компьютер дастурларини атайлаб нотўғри тузиш ва арифметик хатоларни компьютер клавиатурасидан нотўғри киритиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Арифметик ҳисоб-китобларни текшириш компьютер дастурига киритилган ҳисоб-китоблар алгоритмини назорат қилишни тақозо этади. Агар хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби компьютерлаштирилган бўлса, ҳисоб-китобларни текшириш ҳам компьютердан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Аудитор у ёки бу хўжалик муомаласининг ҳужжатлар билан қандай

расмийлаштирилаётганлиги, ҳамда бундай фактларни ҳисоб регистрларида акс эттиришнинг кетма-кетлиги устидан назорат ўрнатишни кузатади. Бу ички назоратнинг аҳволи каби, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига риоя қилинишини ҳам баҳолашга имкон беради.

Тасдиқлаш аудиторлик далили сифатида ҳисоб-китоб ва валюта счетларидаги, мол етказиб берувчилар, харидорлар, буюртмачилар, турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинадиган счетлардаги қолдиқларнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қўлланилади.

№50 АФМСга мувофиқ: «аудиторлик ташкилоти пул маблағлари, ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобга олинадиган счетларнинг қолдиқлари тўғри-сидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи аудиторлик далилларини мустақил (учинчи) томонлардан ёзма равишда олиши лозим». Ҳисоб-китоб ва валюта счетларидаги қолдиқлар банк кўчирмалари билан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳаққонийлиги эса таққослаш далолатномалари билан тасдиқланади. Ҳисоб-китобларнинг аҳволи, олди-сотди ишларининг шартларини ва шунга ўхшашларни тасдиқловчи зарур маълумотларни олиш учун турли ташкилотларга сўровлар жўнатилади.

Маълумотларни тасдиқлаш учун жўнатиладиган сўровлар мижоз корхона раҳбарияти номидан тайёрланиб, унда тасдиқловчи жавобни аудиторлик ташкилотига жўнатиш сўралади. Шундай қилиб, мижоз-корхона томонидан маълумотни тасдиқлаш учун учинчи томонга жўнатилган сўровнинг ёзма тасдигини аудиторлик ташкилоти олади.

Зарур ҳолларда аудиторлик ташкилоти тасдиқлатиш учун сўров жўнатилган учинчи томон билан бевосита алоқа ўрнатиши ҳам мумкин.

Агар аудиторлик ташкилоти салбий жавоб олса ёки умуман жавоб олмаса, у ҳолда мижоз корхона маълумотларининг ҳаққонийлигини аниқлаштириш учун қўшимча аудиторлик амалларини қўллаши зарур.

Ходимлардан оғзаки сўров ўтказиш – бу мижоз корхона ходимлари ёки учинчи шахслардан оғзаки мулоқат ва жавобларни баҳолаш йўли билан тасдиқловчи маълумотларни олиш усулидир. Мазкур усул аудиторга ички назорат тизимини баҳолаш, риск чегараларини аниқлаш ва аудиторлик тенкширувининг стратегиясини ишлаб чиқиш чоғида фикр юритиш учун кенг кўламдаги маълумотларни беради. Мижоз корхона ва учинчи томон ходимлари ҳамда раҳбарияти орасида сўров ўтказиш аудиторлик текширувининг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин.

№50-«Аудиторлик далиллар» номли АФМСга мувофиқ оғзаки сўров натижалари баённома ёки қисқача конспект кўринишида ёзиб бориш зарур бўлиб, унда сўров ўтказган аудиторнинг фамилияси, ҳамда сўралган шахснинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилган бўлиши шарт. Оғзаки сўровлар ўтказиш учун ҳар хил муаммолар (масалан, айрим муомалаларни участкалар, фаолият турлари ёки бўлинмалар бўйича ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби ва ҳужжатлар айланишини баҳолаш) бўйича анкеталар олдиндан тайёрланган бўлиши мумкин. Аудиторлик ташкилотлари саволлар рўйхати билан стандарт тестлар тайёрлаб, унда сўралган шахсларнинг жавоблари кўрсатилади.

Ҳужжат билан ишлашда унинг ким томонидан тузилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мижоз корхона томонидан тайёрланган ва ишлов берилган ҳужжатлар ички ҳужжатлар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотига қай даражада ишониш бундай ҳужжатларни тузиш ва ишлов бериш устидан ўрнатилган мижоз-корхона ички назорат воситаларининг ишончилигига боғлиқ. Учинчи шахслар томонидан тайёрланган ва ҳўжалик юритувчи субъектларга юборилган ташқи ҳужжатлар ички ҳужжатларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади.

Ҳужжатларни текшириш чоғида уларнинг ўз вақтида ва аниқ расмийлаштирилганлиги, мажбурий реквизитларнинг мавжудлиги ва тўғрилигини аниқлаш ҳам зарур. Аудиторлар ҳужжатларни текширувдан

ўтказишда уларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрларига ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ акс эттирилишига ҳам эътибор беришлари керак.

Кузатиб чиқиш дастлабки ҳужжатлардан синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларига, бош дафтарга ва ҳисоботларга томон, ёки кўп ҳолларда учрайдиган, тескари томон йўналишида амалга оширилади. Кузатиб чиқиш, хусусан, мижоз-корхона ҳужжатларида акс эттирилган нотипик моддалар ва ходисаларни ўрганишга имкон беради.

Аудитор кузатиб чиқиш учун дастлабки ҳужжатларни №14-«Аудиторлик танлаш» номли АФМСга мувофиқ танлаб олади.

Таҳлилий амаллар молиявий таҳлилнинг таққослаш, нисбатлар ва коэффицентларни баҳолаш каби элементлари ва усулларида фойдаланишни назарда тутди.

Таҳлилий амалларнинг энг кўп тарқалгани таққослаш бўлиб ҳисобланади. Бунда қуйидагилар таққосланади: турли даврлар учун счетлардаги қолдиқлар; молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бизнес-режа кўрсаткичлари билан; ҳисоботнинг ҳар хил моддалар билан олдинги даврлар маълумотлари ўртасидаги нисбат; хўжалик юритувчи субъект молиявий кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тегишли тармогидаги ўртача кўрсаткичлар билан; молиявий ахборотлар номолиявий ахборотлар (хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисидаги унинг бухгалтерия ҳисоби тизимида бевосита акс эттирилмайдиган маълумотлар) билан.

Масалан, асосий воситалар қийматининг кўпайиши одатда амортизация суммаларининг кўпайишига ҳам олиб келади. Номувофиқлик аниқланганда аудитор тегишли далилларни топиши лозим. Айтайлик, асосий воситалар қийматини текшириб мижоз-ташкilot мазкур активларни бюджетдан молиялаштириш ҳисобига совға шартномаси бўйича олганлигини аниқлади. Бундай объектлар бўйича эса амортизация ҳисобланмайди. Шундай қилиб аниқланган номувофиқликка аудитор томонидан қониқарли исбот топилган.

Таҳлилий амаллар аудитни режалаштириш чоғида, текширув жараёнида

ва уни якунлаш босқичида қўлланилади.

Ҳақиқатга яқин таҳлилий амаллардан бири баланс ҳисоб-китоблари ҳисобланади. Хусусан, аудитор тайёр маҳсулотларнинг ҳисобда ҳаққоний ва тўлиқ акс эттирилиши тўғрисидаги далил-исботларга эга бўлиш учун тез-тез хом-ашёлар, материаллар ва тайёр маҳсулот олиниши балансини тузади.

Хом-ашё ва материаллар балансини тузиш қуйидагиларни назарда тутати: маҳсулотнинг бир бирлиги учун норма бўйича сарфланган хом-ашё ва материаллар ва ҳақиқатда олинган маҳсулотлар ҳисоб-китоби; хом-ашё ва материалларни ҳақиқий сарфи билан таққослаш; хом-ашё ва материалларни сарфлашда тафовутларни аниқлаш.

Муқобил баланс тузиш – аудиторлик ишининг муҳим элементиدير. У аудитни бошлашдан олдин синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларининг ёки бош дафтарнинг маълумотлари бўйича тузилади. Натижада, аудитор тасдиқланиши лозим бўлган балансга ўхшаш, янги балансга эга бўлади. Агар расмий ва муқобил баланслар ўртасида тафовутлар вужудга келса, бу тафовутлар мижоз-корхона ҳисоботида бош бухгалтернинг атайлаб қилган чалкашликларини билдиради.

Баён қилинганларни умумлаштириш асосида таъкидлаш зарурки, аудиторлик текширувларининг самарадорлиги маълум даражада аудиторлик далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни қандай маҳорат билан қўллашга ҳам боғлиқ.

2.3 Аудит текшируви ўтказишда яқуний босқич ва ундаги амаллар

“Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик Хулосаси” аудиторлик фаолияти Миллий андозаси (70-сон). Мазкур Аудиторлик фаолияти миллий андозаси (АФМА) "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сенябрдаги "Аудиторлик фаолиятини

такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида" 365-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш элементи ҳисобланади

Андозанинг мақсади аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузишнинг ягона тартибини жорий этиш ҳисобланади.

Мазкур андоза талаблари аудиторлик текширувини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектга аудиторлик ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосасини тақдим этиш пайтида барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолияти солиқ органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради. (ЎЗР ВМ 10.11.2006 й. 235-сон Қарори тахриридаги хат боши)

Аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Аудит натижаларини умумлаштириш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- > ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
- > аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
- > аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш;
- > фаолият кўрсатаётган корхона принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
- > бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
- > ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;

- > текширув натижалари бўйича аудиторнинг мижоз-корхона раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;
- > аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Аудитор ўз ҳисоботида қуйидаги ҳоллардаги каби, катта номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур:

- ✓ хўжалик юритувчи субъект ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор томонидан очилмаган хатоларни аниқлаш фактлари;
- ✓ текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар ёки маълумотларга доир хўжалик муомалалари;
- ✓ мутахассисларнинг ҳисоб-китобларидаги номувофиқликлар;
- ✓ инвентаризация натижасида аниқланиб, далолатнома ва таққослаш қайдномалари билан расмийлаштирилган, лекин етарли даражада таҳлил қилинмаган ва тузатилмаган катта тафовутлар;
- ✓ катта тафовутларнинг тасдиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига кутилган жавоблар олинмаганлиги;
- ✓ текширув учун танлаб олинган, зарур дастлабки ҳужжатлар ёки тегишли рухсат этувчи кўрсатмалар тақдим қилинмаган хўжалик муомалалари.

Аудитор тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) ҳисобга олиши керак. Шунингдек, катта хатолар хатарини дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режалари ҳам эътиборга олиниши лозим.

Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва

режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур. 580-сонли «Субъект раҳбариятининг тақдимотлари» номли АХС-га асосан охириги аудиторлик далиллари сифатида ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг тақдимоти аудитор томонидан олинади ва ишчи ҳужжатлар таркибига киритилади.

Аудит натижаларини умумлаштириш билан биргаликда аудитор, аудиторлик текширувини якунлаш жараёнида аудит дастурининг барча бандлари бажарилганлигини текшириши лозим.

Барча белги қўйилган суммалар якуний ишчи ҳужжатларини тайёрлашда таҳлил қилиниши ва ҳисобга оlinиши лозим. Ушбу ишларнинг натижаларини бошқа олинган далиллар билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Масалан, даъво муддати ўтиб кетаётган туланмай қолган счётлар ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебет қолдиқларнинг аниқланган суммаларига маълумотлар мувофиқлиги тўғрисида тасдиқ оlinиши мумкин. Бу ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларининг ишончлилиги ҳақида етарли далилларга эга бўлади.

Агарда олинган тасдиқлар натижаларига кўра контрагентда бундай қарздорликнинг йўқлиги аниқланса, у ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларини ишончсиз деб баҳолаши мумкин.

Аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларини Бош дафтар билан таққослаш мижоз томонидан вақти-вақти билан ўтказиладиган назорат тадбири бўлиб ҳисобланади. Қоидага кўра, аудиторлар қилинган таққослашларни, аниқланган ғайриоддий суммаларни таҳлил қилади, жами суммаларни қайта жамлаб чиқади.

Ассистентлар томонидан бажарилган муолажалар сифатини текшириши

Аудиторлик фирма барча аудитлар АФМС (АХС) га мувофиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган миллий (ҳалқаро) стандартларга тегишли сиёсат ва сифат назорати муолажаларини бажариши лозим.

Аудиторлик фирма томонидан қабул қилинган сифат назорати сиёсати масалаларига, одатда, қуйидагилар киради:

- ✓ Малакавий талаблар¹⁴:
- ✓ Малака ва малакавий касбдан хабардорлик¹⁵:
- ✓ Вазифаларни топшириш:
- ✓ Ваколатни юклаш:
- ✓ Маслаҳатлашиш:
- ✓ Миждозларни қабул қилиш ва сақлаш:

Аудит дастури аудит йўналишини аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун етказишнинг муҳим курули ҳисобланади. Йўналиш беришда, шунингдек, аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун аудитнинг умумий режаси ва вақт бюджетини етказиш фойдалидир.

Ишга раҳбарлик қилиш ишни йўналтириш ва уни шарҳлаш билан яқиндан боғлиқдир ва ўз ичига уни ҳам буни ҳам элементларини киритиши мумкин.

16-сонли «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятнинг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) ва 10-сонли «Шартли ҳодисалар ва ҳисобот санасидан кейин содир этилган ҳодисалар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) давр якунлангандан кейин молиявий ҳисоботда акс этилган ижобий ҳодисалар билан бир қаторда салбий ҳодисаларни ҳам кўриб чиқади ва ушбу икки турдаги ҳодисаларни солиштиради:

а) давр охирига мавжуд бўлган шартлар бўйича қўшимча далиллар тақдим этадиганлари;

б) давр якунлангандан кейин вужудга келган вазиятларга қаратувчилари.

¹⁴ Ўз.Р Бухгалтер ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси томонидан чоп этилган «Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ кодекси» ҳамда бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган «Малакавий бухгалтерларнинг ахлоқий Кодекси»га ва аудиторлар томонидан 200 АХС «Молиявий ҳисобот аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва мақсади» тлаблари билан изохлаш керак.

¹⁵ Аудиторлик ахлоқ Кодекси

Аудитор молиявий ҳисоботда тузатишлар ёки ёритишлар талаб қилиши мумкин бўлган аудиторнинг ҳисобот санасигача вужудга келган барча ҳодисалар солиштирилиши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш учун муолажаларни амалга ошириши лозим.

Аудитор аудиторлик ҳисоботи санасидан кейинги молиявий ҳисобот юзасидан бажарилган муолажалар ёки амалга оширилган ҳар қандай сўровномалар бўйича ҳеч қандай масъулиятга эга эмас. Аудитор ҳисоботи санасидан то молиявий ҳисобот чоп этилгунга қадар бўлган давр мобайнида, молиявий ҳисоботга таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида аудиторга хабар бериш юзасидан масъулият субъект раҳбарияти зиммасида бўлади.

Раҳбарият молиявий ҳисоботга тузатишлар киритган тақдирда, янги аудиторлик ҳисоботига тузатилган молиявий ҳисобот имзоланган ёки тузатилган санадан олдинроқ бўлган сана қўйилмайди ва муолажаларнинг ижро муддатини янги аудиторлик ҳисоботи санасигача узайтириш лозим.

Агар аудитор молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш керак деб ҳисобласа, субъект раҳбарияти эса молиявий ҳисоботга тузатишлар киритмаса ва аудиторлик ҳисоботи ҳали субъектга тақдим этилмаган тақдирда, аудитор фикрини шарҳлар билан билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.

Субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботни қайтадан кўриб чиққан тақдирда, аудитор илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва аудитор ҳисоботини олган барча фойдаланувчилар вазият тўғрисида хабар олганликларига ишонч ҳосил қилиш учун ушбу вазиятда керакли бўлган аудиторлик муолажаларини бажариши, субъект раҳбарияти томонидан қўйилган қадамларни шарҳлаши ҳамда қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисобот бўйича янги ҳисобот тақдим этиши лозим. *(илова)*

Янги аудиторлик ҳисоботи илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва илгари тақдим этилган аудиторлик ҳисоботи қайтадан кўриб чиқилишини

кенгроқ ёритиб берадиган изоҳлар билан тушунтириш банддан иборат бўлиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботи ва уни тузиш тартиби

Аудитнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, умумлаштирилган ва баҳоланган текширув натижаларини камида иккита ҳужжат билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1) аудит ҳақидаги шартномада кўзда тутилган давр ичидаги корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида ҳисобот;

2) бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистан Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича: аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қойида-бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат (18-модда).

70-сон «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли АФМС га мувофиқ аудиторлик ҳисоботининг таркиби қуйидагича:

а) номи («Аудиторлик ҳисобот» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи» деган ҳар иккала ном бир хил маънога эга);

б) адресат номи;

в) кириш қисми;

г) таъкидлаш қисми;

д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказган аудитор (лар) томонидан бетма-бет имзоланиши лозим. Аудиторлик

ҳисоботи аудиторлик текширувининг буюртмачисига, буюртмачининг барча зарур реквизитлари кўрсатилган ҳолда жўнатилади.

70-сонли «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» номли АФМС га мувофиқ, аудиторлик ташкилоти тузилган аудиторлик ҳисоботи учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, ушбу АФМС нинг 16-17 бандларига асосан аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий ҳисобланади ва уни ошкор этиш мумкин эмас. Ушбу ахборотларга алоқадор шахслар ахборотларни ошкор қилганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Аудиторлик текширувининг натижалари асосида тузилган ҳисоботда корхона молия-хўжалик фаолияти ва унинг натижаларининг умумий аҳволи, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг ҳолати, таҳлил ишларининг даражаси ҳамда корхонадаги ҳисоб-таҳлил ходимларининг тавсифи акс эттирилади. Аудиторлик ҳисоботи маълумотлари корхона бозор шароитларига қандай мослашаётганлиги ва муваффақиятли ривожланиши ҳамда фойдасини кўпайтира олишга қодирлигини ёки аксинчалигини билдириши лозим. Албатта, текширилаётган корхонадаги аҳвол беэбаб кўрсатилмасдан, аудиторга тақдим қилинган ахборот ҳақиқий бўлгандагина эҳтиросларга берилмаган ва реал аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулоса шаклланади. Акс ҳолда, аудиторлик текшируви бефойда ва уни ўтказиш учун сарфланган маблағ эса зое кетади.

Аудитор ҳисоботда келтирилган камчиликлар бўйича уларни бартараф қилишга қаратилган ўз таклифларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим. Лекин текширилаётган корхона ходимларига «яхшилик» қилиш мақсадида аудитор шахсан ўзи дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботларидаги хатоларни тўғрилаши мутлақо мумкин эмас.

Шу билан бирга аудиторларга у ёки бу нохуш фактларни бошқача қилиб ёритишга ёки текширувчилар учун қулай хулоса тузиб беришга мажбурлаш мақсадида руҳий, жисмоний ёки бошқача тазйиқлар ўтказган ҳолларда улар қатъийлик ва принципиаллик билан иш тутишлари лозим.

Аудитор аниқланган хато ёки камчиликлар тўғрисида корхона раҳбариятига билдиради ва уларни тузатиш бўйича аниқ тавсиялар беради.

Агар бухгалтерлик (молиявий) ҳисобни юритиш, тегишли ҳисоботларни тузиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш бўйича кўрсатилган камчиликлар аудит ўтказиш чоғида буюртмачи корхона томонидан тузатилмаса, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқлаш мумкин эмаслиги тўғрисида аудиторлик текширувининг хулосасида ёзилади. Аудит жараёнида эса бу проводкаларнинг биринчидан тўғрилиги, иккинчидан улардаги суммаларнинг тегишли ҳисобот ҳужжатларида қайд этганлиги текширилади. Агар маълум камчилик ва хатоликлар содир этилган бўлса, бунга, албатта, аудитор ўзининг изоҳини келтиради. Яъни, ҳисобда тўғрилаш ишлари (қўшимча проводка, қизил ёзув (сторно)) амалга оширилади. Бундан, аудитор текшириш чоғида ҳисобнинг узлуксизлик тамойилига амал қилганлигини англаш мумкин.

Аудиторлик хулосаси ва уни тузиш тартиби

Аудиторлик хулосаси бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун ушбу ҳисобот ишончлилиги ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторлик хулосасида баён қилинган фикрга таяниб, аудиторга ёки аудиторлик фирмасига ишонч билдирадилар. Ушбу ишонч, энг аввало, аудитор томонидан бажарилган ишнинг сифати билан қўлга киритилади ва оқланади.

Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак (14-модда).

Аудиторлик хулосасидан фойдаланувчилар

8-чизма

№	Фойдаланувчилар	Фойдаланувчиларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар.
1	Акционерлар	Жамиятнинг молиявий ҳолати ва дивидентлар фоизи бўйича келгусидаги дивиденд сиёсати

2	Инвесторлар	Маблағларни сарфлашдан кўриладиган иқтисодий самарадорлик ва таваккалчилик даражаси
3	Кредиторлар ва депозиторлар	Корхонанинг молиявий баркарорлиги, яъни кредиторлар ва дебиторларни ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш имконияти ва хоказо.
4	Хизмат кўрсатувчи банклари	Банк корреспондентнинг ишончилиги
5	Юқори турувчи ташкилот	корхонанинг самарали бошқарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар
6	Давлат солиқ қўмитаси	Активлар, даромад, харажатлар ва солиқ тўланиши бўйича маълумотлар
7	Бошқа давлат органлари	Миллий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар, харажатлар ва бошқа статистик маълумотлар
8	Ишчи ва хизматчилар	Мехнат ҳақини тўлаш қобилияти.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича, аудиторлик ҳулосаси молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат. Аудиторлик ҳулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.

Аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш ишларида аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) қоидаларининг талабларини инобатга олиш зарур. Аудиторлик ҳулосасини тайёрлашда асосан № 70 - «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳулосаси» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартидан (АФМС) фойдаланилади.

Бошқача қилиб айтанда, аудиторлик текшируви мумкин қадар объектив бўлиб, унинг ҳулосаси маълум маънода хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти устидан чиқарилган «ҳукм» ҳисобланади.

Шунингдек, давлат органлари топшириғига биноан ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган аудиторлик ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигига мувофиқ тайинланган экспертиза ҳулосасига тенглаштирилади.

Аудиторлик хулосаси учта: кириш, таъкидловчи ва якунловчи қисмдан иборат бўлиши лозим. (Илова)

1. Кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

Шу билан бирга аудиторлик хулосасининг кириш қисмида текширувдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар рўйхати, санаси ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда акс эттирилиши лозим. Шунингдек, кириш қисмида аудиторлик текширувидан ўтказиладиган ҳисоботнинг тайёрланиши ва ишончлилиги учун маъсулият ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятига юклатилиши, мазкур молиявий ҳисобот бўйича берилган аудиторлик хулосаси учун эса аудиторлик ташкилоти жавобгар эканлиги кўрсатилиши лозим.

2. Аудиторлик хулосасининг таъкидловчи қисмида аудиторлик хулосаси АФМС га мувофиқ, ўтказилганлиги таъкидланиши лозим.

Таъкидловчи қисм молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг ишончлилигини ва қонунчиликка, ҳамда ҳўжалик юритувчи субъект молия-ҳўжалик фаолиятининг ҳақиқий аҳволига мувофиқлигини баҳоланиши кўрсатиши лозим. Шунингдек, таъкидловчи қисмда ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарли асос бериши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи акс эттирилиши лозим.

3. Аудиторлик хулосасининг якунловчи қисмида ҳўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботи ишончлилиги ва қонунчиликка мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисида ёзув ёзилади.

Аудиторлик хулосасини аудиторлик ташкилотининг раҳбари ёки аудиторлик ташкилотининг у ваколат берган бошқа ходими имзолайди ва аудиторлик фирмаси муҳри билан тасдиқлайди.

Хўжалик юритувчи субъект фақат аудиторлик хулосасининг якуний қисминигина манфаатдор шахсларга тақдим қилиши лозим. Шу муносабат билан аудиторлик хулосасининг таҳлилий қисми ва якуний қисми алоҳида имзоланиши ва муҳрланиши мумкин. Аудиторлик хулосасининг учта тури мавжуд:

- а) ижобий аудиторлик хулосаси;
- б) салбий аудиторлик хулосаси;
- в) хулоса тузишдан воз кечиш.

Ижобий аудиторлик хулосасида бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги аудитор томонидан тасдиқланади. Қоидага кўра ижобий аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолати ва содир этилган молия-хўжалик муомалаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқлигини ишонарли акс эттиради деган фикрга келган вақтда тузилиши лозим. Мисол тариқасида ижобий аудиторлик хулосасининг намунавий шаклини келтираман. *(илова)*

Салбий аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ишонарли маълумот бермаган ва бухгалтерлик ҳисоботи ҳамда унинг молия-хўжалик фаолияти ҳисоби амалдаги меъёрий қонунчилик талабларига мос келмаган ҳолда юритилган вақтда тузилади. Бундай хато-камчиликлар ўз вақтида тузатилмаса молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни қалғитиш мумкин.

Салбий аудиторлик хулосасини тузишга, қоидага кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилоти томонидан аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш мақсадида молиявий ҳисоботга ўзгартишлар киритиш тўғрисида билдирилган фикрга норозилиги сабаб бўлади.

Аудиторлик текшируви натижасида аниқланган хато-камчиликлар хўжалик юритувчи субъект томонидан тузатилганда салбий аудиторлик хулосаси тузилмайди.

Аудитор бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг сифати тўғрисида ишонч билан аудиторлик хулосаси туза олиш учун етарли даражада ишончли далиллар туплай олмаган вақтда хулоса тузмайди. Бундай ҳолат аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги оқибатида молиявий ҳисобот тўғрисида фикр билдириш учун аудиторлик далил-исботлар етарли бўлмаганида юзага келади.

Аудиторлик хулосасини тузишдан воз кечиш айрим махсус ҳолларда юзага келади. Булар: аудитор мустақиллигини йўқотиши, баланс тузилган санадан кейинги содир бўлган жиддий ҳодисалар ёки вазиятнинг ноаниқлиги, хўжалик юритувчи субъект томонидан, ёки айрим мураккаб вазиятлар туфайли аудит ўтказиш соҳасининг чеклаб қўйилиши.

Аудиторнинг хулоса тузишдан воз кечиши ёзма равишда, 70-сон АФМС да кўрсатилган шакл бўйича расмийлаштирилиб, унинг мазмуни жуда ҳам пухта асосланган бўлиши лозим.

Агар салбий хулоса тузилса ёки хулоса тузилмаса, аудитор таъкидловчи қисмда текширув натижаларини, аниқланган амалдаги қонунчилик бузилиши фактларини ва корхона фаолиятидаги бошқа камчиликларни батафсил баён қилади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилиб, унинг икки нусхаси аудиторлик текшируви буюртмачиси яъни корхона раҳбариятига тақдим қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текшируви якунланганидан сўнг 2.3 кун ичида аудиторлик хулосасининг бир нусхасини ўзлари жойлашган ҳудуддаги солиқ органига тақдим қиладилар.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиб, унда аудиторнинг иккиланиш ва (ёки) норозилигидан келиб чиққан чеклашлар аниқ кўрсатилиши лозим. Аудиторлик хулосаси барча молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар олиш имконига эга бўлган очик ахборот ҳисобланади. Аудиторлик хулосаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъект томонидан чоп этирилиши мумкин.

Аудиторга барча зарур маълумотлар бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлигини у билмаган бўлса, бунга аудитор жавобгар ҳисобланмайди. Бу ҳолларда барча жавобгарлик зарур маълумотларни аудиторга тақдим этиши лозим бўлган, текширилаётган корхона маъмурияти ва унинг маъсул ходимларига юклатилади.

Шу боисдан, корхона раҳбари ва молия-ҳисоб хизмати ходимлари олдиндан, аудиторлик хулосасини охирги таҳрирда тузгунга қадар танишиб чиқишлари, агарда уларда айрим ҳолатларга нисбатан норозилик, мулоҳаза ёки қандайдир таклифлари бўлса, ушбу билдирилган фикрлар диққат билан эшитилиб, корхона ходимлари иштирокида муҳокама қилиниши ва асосланган ҳолда чиқариб ташланиши ёки эътиборга олиниб, хулосанинг охирги таҳририда инобатга олиниши лозим.

II-боб хулоса

Диссертациянинг иккинчи бобида аудит ўтказиш босқичлари тартиби ва ундаги қўлланиладиган амаллар келтириб ўтилган, боб учта қисмдан иборат;

биринчи қисмда аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида дастлабки босқич, аудитни режалаштириш босқичи ва уни қўллашда фойдаланиладиган амаллар келтириб ўтилган; иккинчи қисмида аудиторлик текшируви ўтказиш жараёнида қўлланиладиган аудиторлик далилларини тўплаш усуллари, далилларнинг турлари, далил тўплаш жараёнида амалга ошириладиган масалалар келтирилган; учинчи қисмида аудиторлик текшируви якуний босқичи, текширувни якунлаш ҳисобот ва хулосалар ёзиш тартиби, берилаётган аудиторлик хулосасининг ташкилот учун берган натижалари, якуний босқич ва ундаги амалларнинг қўлланилиш келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандартининг 3-сон “Аудитни режалаштириш” стандарти "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида келтирилган асосий қоидаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 296-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш унсури ҳисобланиши таъкидланган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи аудитини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёрларни белгилаш аудитнинг мақсади ҳисобланиши, мазкур босқичнинг талаблари расмий аудиторлик хулосасини тайёрлашни назарда тутадиган аудитни амалга ошириш пайтида барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланиши айтиб ўтилган.

III бoб. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА АУДИТ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Мамлакатимизда ва хориж давлатларида аудиторлик фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, ўз навбатида, аста секин кўшила бориши барча соҳада бўлгани каби аудиторлик фаолиятида ҳам туб ўзгаришларни амалга оширишни тақазо этмоқда. Мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришни, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни талаб этади.

Эндиликда мамлакатимизнинг турли халқаро ташкилотларда фаол катнашиши, жаҳон иқтисодиёт ҳамжамиятига кўшилиши жараёнида иқтисодий кўрсаткичларни хорижий мезонларга таққослаши, аудитни услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартлар талабига жавоб беришини таъминлашни талаб этмоқда

Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳодда, аудиторлик, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг соддалаштирилган тизими, хўжалик юритувчи субъектнинг олиб бораётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввур шакллантиришда ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатларини барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл инвесторларига қулайлигини оширади.

Республикаимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, аудиторлик миллий стандартлари халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган. Республикаимиздаги аудиторлик ташкилотларининг тўпланган тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у аниқ яққол ифодаланган миллий хусусиятларга эга. Шу билан бирга, хорижий манбалардаги қоидалар Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг барпо бўлиши ва ривожлантирилиши учун фойдали ҳамда қизиқарли эканлигини таъкидлаш

жоиздир. Чунончи, бизнинг республикамизда ҳам халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1999-2005 йилларда 19 та аудиторлик фаолияти миллий стандарти ишлаб чиқилди ва Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, аудиторлик амалиётида қўлланилмоқда ҳамда уларни ишлаб чиқиш давом этмоқда.

Хозирги кунга келиб қуйидаги аудитнинг миллий стандартлари тасдиқланган;

1. Аудитни режалаштириш
2. Аудит иш сифатини назорат қилиш
3. Аудиторлик текширувини хужжатлаштириш
4. Мухимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги
5. Молиявий ҳисоботда бўлган бошқа ахборот
6. Маълумотларни компютер ишлови шароитида удит
7. Тахлилий таомиллар
8. Аудиторлик танлаш
9. Эксперт хизматидадан фойдаланиш
10. Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганида аудиторлик ташкилотининг иш тутиши
11. Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий ҳуқуқий хужжатларга риоя этишни текшириш
12. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш
13. Аудиторлик далиллар
14. Алоқадор шахслар ўртасида битимлар бўйича аудиторлик далилларни олиш таомиллари
15. Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ходисалар
16. Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш

17. Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси

18. Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор хисоботи

19. Аудиторли ташкилоти касбга доир хизматлари

Бутун дунё аудиторлари мазмунан ўхшаш ишни бажарсаларда, ҳар бир мамлакатда аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ўзининг миллий хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари ва меъёрлари эса у ёки бу мамлакатнинг миллий стандартлари ва меъёрларини бекор қилмайди.

Республикамизда миллий аудиторлик стандартларини татбиқ этишда халқаро стандартларнинг қўлланиши тартиби, ривожланган мамлакатлардаги аудит тизимининг ташкил қилиниш даражасига муҳим эътибор қаратиши тақозо қилади.

Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат; ҳалоллик, ҳаққонийлик, мустақиллик, махфийлик ва пухта билимга эгалик.

Аудитнинг Халқаро стандартларида стандартлаштириладиган ҳар бир объект бўйича 100 та рақам (позиция) берилган. стандартлаш объектлари 11 та бўлган учун жами 1100 та стандарт ишлаб чиқиши мумкин. Амалиётда бундай миқдордаги стандарт учун эҳтиёж бўлмагани учун уларнинг кўпчилигидан фойдаланилмайди. Масалан, “Режалаштириш” (300-399) деб номланган стандартлаш объекти учта стандартдан иборат; 300- «Режалаштириш», 310- «Бизнесни билиш», 320-«Аудитда муҳимлилик». Демак режалаштириш масалалари бўйича яна етти та стандарт қабул қилиш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир стандартга 10 тагача субстандарт очиш мумкин. Ушбу стандартлар халқаро миқёсда аудиторлик фаолиятини сифати ва мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этади

Ўзбекистон Республикаси шароитида ҳам Халқаро стандартларга ўхшаш тарзда 2000 йилдан бошлаб ҳозир кунга қадар аудиторлик фаолияти миллий

стандартларини стандартлашда 10 та рақам (позиция) берила бошлаган. Бундан қўшимча мақсадларда фойдаланиш, яъни ҳар бир стандартга 10 тагача субстандарт очиш мумкин.

АҚШда сертификатли бухгалтерлар ишлаб чиқариш соҳасида, молиявий директор, бош бухгалтер ва ички аудиторлар лавозимларида ишлаши мумкин. Мустақил бухгалтерларнинг кўпчилиги трансмиллий аудиторлик фирмаларида, миллий аудиторлик фирмалари ва индивидуал фаолияти билан шуғулланади

Дунё бўйлаб энг ривожланган 4 та йирик аудиторлик фирмалари мавжуд бўлиб, уни “катта тўртлик” деб аташади.

- «Прайс Уотерхаус Куперс (Price Waterhouse Coopers) – Англия-Америка
- «Делоит ва Туш» (Deloitte and Touch) – Америка-Япония
- “Эрнст ва Янг” (Ernst and Young) – Шотландия
- “КПМГ” (KPMG), шу жумладан Peat Marwick, ВДО ва бошқалар

Бу фирмалар кўплаб мамлакатларда хизмат кўрсатади

АҚШда бухгалтер ва аудиторлик хизмати йўналишлари бўйича касб малакаси ва тасдиқловчи сертификати бўйича фарқланади. Улар олий бухгалтерлик малакасини олгандан сўнг, мустақил ўқув тажриба асосида касбий сертификат олишлари керак бўлади.

Республикамизда аудит ишларини ташкил этишда, асосан, ташқи аудит томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувлари кўзда тутилади. Бизнингча Ўзбекистонда ҳам бухгалтерлар ва аудиторларни тайёрлаш касби, иш стажи, касбий малака сертификатига бўлган талабни ошириш зарур. Аудиторлик фирмалари томонидан бажариладиган иш, хизматларни тузилиши бўйича қуйидаги таққослаш мумкин.

АҚШдаги халқаро ва миллий аудиторлик фирмаларининг асосий фаолияти 55% аудит қилиш, 20% бошқарув характеридаги маслаҳатлар бериши хизматлари, 20 % солиқ ва солиққа тортиш бўйича маслаҳатлар беришдан асосий даромад манбаи хосил бўлади.

Ўзбекистонда эса хорижий фирмалар аудиторлик фаолиятдан келиб тушадиган жами даромаднинг атиги 7% ини ташкил этиб, унинг асосий қисми, “Аудит қилиш”, “Бошқарув характеридаги маслаҳат хизматлари”дан келиб тушади. Шу сабабли Ўзбекистонда йирик аудиторлик фирмалари “катта тўртлик” хизматидан фойдаланиш соҳасини янада кенгайтириши керак. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда аудиторлик фирмалари фаолиятини такомиллиштириш ва уларни халқаро адиторлик стандартлари талаблари асосида ташкил этиш зарурияти келиб чиқди.

Чунки Ўзбекистонда ҳам адиторлик фирмаларининг фаолият тури, устав капитали, ходимлар сони, хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда, лекин бу етарли даражада эмас. Шу сабабли профессор М.Тўлахўджаева шундай деб таъкидлаган эди; “Бизга маълумки, тўлиқ ва тўғри ахборот иш фаолиятининг маълумотларини кенг кўламда бўлишига, ахборотнинг йўқлиги эса назоратсизлик ва тартибсизликка олиб келади”¹⁶.

Бизнингча аудиторлик муносабатларини ўрганишда ривожланган давлатлардаги тажрибаларга асос бўлиши мумкин:

- Аудит ўтказиш объектларини ажратиб олиш, яъни давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналардаги аудиторлик хизматлари;
- Аудитнинг вазифаларини ажратиб олиш, бюджет тушумлари ва харажатлар, ҳисоботлардаги молиявий натижалар устидан назорат қилиш, зарур ҳолларда мулк сақланишининг назорати ва ҳаказолар; ҳудудларда хизмат қилаётган аудиторлик фирмаларнинг таъсир доирасини кучайтириш.

Умуман, бу фикрлар мулк муносабатларига ва шу ҳисоб муносабатларнинг ўзгаришидан келиб чиқаётган бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ўйлайман.

Хозирги кунда аудиторлик фаолиятининг халқаро кўламда ранг баранг бўла бориши жараёни кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатларда

¹⁶ Тўлахўджаева М.М. Корхона молиявий аҳволи аудити – Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996, 196 б.

аудиторлик хизматининг янги тури “гувоҳлик берувчи аудит” тури шаклланди. Аудиторлик хизматининг ушбу тури, айниқса, банк соҳасида кенг кўламда тарқалмоқда, банк муассасалари мижозга кредит беришда аудитрлик компанияларининг гувоҳлик берувчи шахс томон сифатида қарамоқда. Бундай аудиторлик компанияси банкдан кредит олган мижознинг кредит шартномасини бажариш ҳолатини кузтиб боради.

Аудиторлик хизматининг ушбу турини тартибга солиш учун АҚШда махсус стандартлар ишлаб чиқилди.

Хозирда халқаро стандартлар аудиторлик тадбирларини батафсил баён қилиш ва мисоллар келтирилиши билан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан фарқ қилади. Шу сабабли халқаро стандартларни ўрганиш сифатли ўтказилган аудитларнинг кўпайишига ва жамоатчилик орасида аудитор касби нуфузининг ортишига кўмаклашади.

Хорижда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши. Республикамиздаги аудиторлик ташкилотларининг тўпланган тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у аниқ яққол ифодаланган миллий хусусиятларга эга. Шу билан бирга, хорижий манбалардаги қоидалар Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг барпо бўлиши ва ривожлантирилиши учун фойдали ҳамда қизиқарли эканлигини таъкидлаш жоиздир. Ва ниҳоят, замонавий аудит, асосан халқаро амалиётда – риск (таваккалчилик)ка асосланган аудит вужудга келган. Бу нафақат тасдиқловчи аудитнинг, балки мақсадли-системали аудитнинг ҳам, аммо кўпроқ статистик ёки ностатистик танлаб текширишга асосланган жараёндир. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан бирга аудит стандартлари ҳам қўлланилади.

Аудиторлик фаолиятини профессионал бошқариш учун Аудиторлар Палатаси ташкил этилган. Аудиторлар фаолиятини назорат қилиш Палата ва суд органлари томонидан амалга оширилади.

3.2 Ўзбекистонда маъсулияти чекланган жамиятларида аудит ўтказиш босқичлари улардаги амалларнинг қўлланиши

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди”¹⁷

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятларига инвестициялар оқимини кучайтириш орқали уларнинг хусусий капитали ўсиши, инқирозга қарши чоралар дастурига асосан капиталлашув даражаси ошиши ҳамда уларнинг молиявий мустақиллигининг ортишига олиб келади.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 10- моддасига кўра Акциядорлик Жамиятлари мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ҳўжалик юритувчи субъект сифатида олдинги йил учун йиллик молиявий ҳисоботларини жорий йилнинг 1 майгача аудиторлик текширувидан ўтказадилар.

Аудиторлик текшируви якунланганидан сўнг Акциядорлик Жамиятлари аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган бир нусхасини 15 кун ичида тегишли солиқ органларига топшириши лозим.

Акциядорлик Жамиятларига мажбурий аудиторлик текширувидан бўйин товлаганлиги учун жарима қўллаш тартиби: Жариманинг 1- поғонасида акциядорлик жамиятининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўлланилади. Агар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарима қўлланилгандан сўнг ҳам ҳисобот даврининг охиригача аудиторлик

¹⁷ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010

текшируви ташкил этилмаса, акциядорлик жамиятига энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима қўлланилади.

Мажбурий аудиторлик текширувидан бўйин товлаганлик учун табақалаштирилган жарима ставкалари:

9-чизма

Жарима миқдори	Бир йилда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи тушум миқдори (ҚҚС билан бирга)
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 100 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 бараваригача
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 300 баравари	500 бараваридан 15 минг бараваригача
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 баравари	15 минг бараваридан ортиқ

Ушбу жарима акциядорлик жамиятини мажбурий аудиторлик текширувидан озод қилмайди.

Маъсулияти чекланган жамиятларида ҳисоб сиёсати молиявий ҳисоботини биринчи марта эълон қилгунга қадар, лекин юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб 90 кундан кечикмасдан расмийлаштириши лозим

Маъсулияти чекланган жамиятларида йиллик молиявий ҳисобот шакллари қуйидагилардан иборат:

- 1- шакл, «Корхона баланси»
- 2- шакл, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»
- 3- шакл, «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»
- 4- шакл, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»
- 5- шакл, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл, «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома»

Маъсулияти чекланган жамиятларида аудиторлик текшируви ўтказишнинг асосий мақсади акциядорлик жамиятида бухгалтерия ҳисобининг мавжуд меъёрий ҳужжатларга асосланганлигини аниқлаш ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини тасдиқлашдан иборат.

Аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида куйидаги тарзда ташкил этиш тавсия этилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида бухгалтерия ҳисоби ва бошқа иқтисодий ахборотларни тўлиқ ва тезкор равишда таҳлилий қайта ишлаш жараёнини ҳисоблаш техникаси воситаларисиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилиши молиявий таҳлил тадқиқотларининг кейинчалик амалиётда ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди, зеро таҳлилнинг ҳар қандай тури ахборотлар базасига асосланиб, мазкур база авваламбор бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари таркиб топади.

XX аср охирларига келиб корхона ва ташкилотларнинг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати ва фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ривожланиш истикболларини башорат қилиш жараёни компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширила бошланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараённинг ҳозирги кунга қадар янада ривожланиб бориши дастурий таъминот ёрдамидаги таҳлилнинг тезкорлиги, қулайлиги, ишончлилиги, холислилиги билан тушунтириш мумкин. Табиийки, компьютер дастурларининг молиявий таҳлил борасидаги афзалликлари катта ҳажм ва миқдордаги амалиётларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилишда кўзга яққол намоён бўлади.

Сўнгги йилларга келиб молиявий таҳлилнинг дастурий таъминотлари орасида якуний ҳамда башоратли молиявий таҳлил дастурлари бир мунча ривожланди. Якуний молиявий таҳлил дастурлар гуруҳига “Про-Инвест ИТ” компанияси, шунингдек “Интеллект-Сервис”, “Инэк” фирмалари маҳсулотлари кирса, башоратли молиявий таҳлил дастурий таъминотлари гуруҳига эса “Инэк Аналитик” ва “Инвестор” (“Инэк” фирмаси), “Project Expert” (“Про-Инвест ИТ” компанияси) ҳамда “Альт-Инвест” фирмасининг лойиҳаларни режалаштириш дастурлари киради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини компьютерда юритишнинг бир неча усуллари қўлланмоқда. Ўзбекистонда акционерлик жамиятларида ҳам шу тартибда фаолият олиб борилмоқда. Лекин “...гуруч курмаксиз бўлмайди” деганларидек баъзи бир корхоналар хали ҳам компьютер нимали эканлигини билмайдиганлар бор.

Компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг энг соддаси барча фойдаланувчилар учун маълум бўлган Excel дастури бўлиб, ундан фойдаланувчилар турли ҳисобварақлар учун алоҳида кирим ва чиқим жадваллари, журнал-ордерлар тузиш орқали ҳисобот даври айланмаларини акс эттириб, ҳисобот даври охиридаги қолдиқни ҳисоблашни амалга оширадilar. Excel дастурининг асосий камчилиги сифатида икки ёқлама ёзувни автоматик тарзда амалга ошириш имкони йўқлигини кўрсатиш мумкин. Бу дастурдан унчалик катта бўлмаган корхоналар фойдаланиши мумкин.

Бу камчиликлар бухгалтерия ҳисобини юритишга махсус мўлжаллаган амалий программа пакетларида ҳал этилган. Бундан ташқари улар бир қанча қулайликларни ҳам тақдим этадилар. Масалан, ҳозирда Республикамизда кенг оммалашган “1С Бухгалтерия” дастури ёрдамида барча соҳаларда бухгалтерия ҳисобини юритиш имконияти мавжуд. Чунки уни турли шароитларга мослаш имконини берувчи ички тили (Конфигуратор) мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида турли хилдаги ҳужжатлар, улар асосида тузиладиган бухгалтерия ўтказмалари, ҳисобот шакллари тузиш ва амалда қўллаш мумкин. Бу дастур акционерлик жамиятлари учун жуда ҳам қўл келиб, катта ҳажмдаги маълумотлар омборини ўзига жамлай олади.

Конфигуратор мета маълумотлар билан ишлашга мўлжалланган бўлиб, уларга ҳисобварақлар режаси, константалар, справочниклар, ҳужжатлар ва ҳисоботларни киритиш мумкин. Камдан-кам ўзгарувчи маълумотлар константаларда сақланади. Буларга ҳисоб юритилаётган ташкилот риквизитлари мисол бўлади.

Справочникларда турли хилдаги маълумотлар: товарлар, хизматлар, асосий воситалар, номоддий активлар кабиларнинг асосий кўрсаткичлари, харидорлар ва мол етказиб берувчиларнинг реквизитлари, турли меъёрий маълумотлар сақланади.

Бухгалтерия ҳисоби жараёнлари хужжатлар асосида акс эттириб борилгани учун хужжатларни мунтазам равишда тўлдириб бориш орқали хужжатлар айланишининг тўлиқ юритилиши таъминланади. Хужжатлар тегишли бухгалтерия ўтказмалари беришдан ташқари махсус журналларда сақланиб туради. Бу ўз навбатида қоғозсиз технологияни татбиқ қилиш имконини беради. Хужжатлар айланиши натижасида маълумотлар базаси шаклланиб бориб, турли хилдаги ҳисоботларни осонгина ҳосил қилиш мумкин.

Бу дастурнинг афзаллик томонларидан бири ҳосил қилинган маълумотлар базасини турли кесимларда таҳлил қилиш имкони туғилишидир. Масалан, харидор ва мол етказиб берувчиларни номи бўйича, тузилган шартномалар, валюта турлари бўйича ҳозирги аҳволини таҳлил этувчи жадваллар олишни Excel дастури ёрдамида амалга ошириш анча мушкул масала. «1С Бухгалтерия» фирмаси дастурга киритган, бухгалтерияда учрамайдиган субконто тушунчаси ва механизми юқоридаги ишларни осонгина амалга ошириш имконини беради.

«1С Бухгалтерия» дастурини маҳаллийлаштириш, ҳаётга татбиқ этиш ишлари бир неча фирмалар томонидан амалга оширилмоқда. Бу ишлар яқин келажакда бухгалтерия ҳисобини барча соҳаларда тўлиқ автоматлаштириш имконини беради.

Бундан ташқари маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар томонидан таввия этилаётган, 2010 йил Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат берилган ОБЭМ - бухгалтерия дастури ҳам ўз муҳлисларига эга бўлмоқда. Бухгалтерия ҳисоби, ойлик маош ҳисоби, кадрлар ҳисобини бюджет ташкилотлари ва нобюджет ташкилотларида юритишга мўлжалланган дастурлари кўпчилик ташкилотларда синов

муддатидан ўзини оқлади. Бу дастурий маҳсулотнинг устун томони уни ишлаб чиқарувчилар ва шароитга мослаштириб, ривожлантириб бориш ишларни амалга оширувчиларнинг маҳаллий ташкилот бўлганидир. Давр тақозоси билан пайдо бўладиган талаблар, масалан, пластик карточкалардаги пул маблағлари ҳисобини юритиш, интернет магазиндаги ва омбордаги товарлар ҳисобини юритиш кабилар маҳаллий мутахассислар томонидан тезликда ечилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини компьютерда юритишнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан ички фойдаланувчилар учун ҳам ташқи фойдаланувчилар учун ҳам тегишли маълумотларни етказиб беришдаги аҳамияти жуда катта. Бунда ички фойдаланувчилар учун бошқарув ахборотларини тезкор олиш имконияти яратилса, ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган ҳисобот шаклларида ташқари молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (GAAP) бўйича маълумотлар тайёрлаш ва уларни чет эллик инвесторлар ҳукмига ҳавола этиш имкониятлари ҳам мавжудки, у чет эллик инвесторларни мамлакатимиз йирик акциадорлик компанияларига қизиқишини кучайтириши мумкин.

Молиявий ҳисоботларни инвесторлар ҳукмига ҳавола этиш учун ривожланган давлатларда бу ҳисоботлар компанияларнинг интернетдаги сайтларида ёки шундай ахборотларни йиғиш ва уларни қайта ишлаб инвесторларга етказишга мўлжалланган махсус порталларда жойлаштирилмоқда. Бундай ишларни бизнинг мамлакатимиз амалиётида жорий этиш чет эллик ва ўз инвесторларимиз ҳамда турли аналитик ва консалтинг фирмалари учун қулайлик яратади.

III-боб хулоса

Диссертация ишининг учунчи бобида аудит ўтказиш босқичлари тартиби ва ундаги қўлланиладиган амалларни янада такомиллаштириш, халқаро даражадаги кўринишга олиб чиқиш тўғрисида фикрлар билдирилган, боб иккита қисмдан иборат;

Биринчи қисмда Ўзбекистон Республикасида ва хориж давлатларида аудиторлик текширувини ўтказиш жараёни ва уни қўллашда фойдаланиладиган амаллар келтириб ўтилган; иккинчи қисмида Ўзбекистонда акционерлик жамиятларида аудиторлик текшируви ўтказиш мақсади, вазифаси, жамият учун аудиторлик хулосасининг таъсир доираси ва жамиятда текширув жараёнида амалга ошириладиган амаллар келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимиغا интеграциялашуви, ўз навбатида, аста секин қўшила бориши барча соҳада бўлгани каби аудиторлик фаолиятида ҳам туб ўзгаришларни амалга оширишни тақазо этаётганлиги мисоллар билан ёритиб берилган. Мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришни, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни талаб этиши, эндиликда мамлакатимизнинг турли халқаро ташкилотларда фаол қатнашиши, жаҳон иқтисодиёт ҳамжамиятига қўшилиши жараёнида иқтисодий кўрсаткичларни хорижий мезонларга таққослаши, аудитни услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартлар талабига жавоб беришини таъминлашни талаб этмоқда

Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳодда, аудиторлик, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг соддалаштирилган тизими, хўжалик юритувчи субъектнинг олиб бораётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи

тўғрисида тўлиқ тасаввур шакллантиришда ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатларини барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл инвесторларига қулайлигини оширади.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, аудиторлик миллий стандартлари халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган. Республикамиздаги аудиторлик ташкилотларининг тўпланган тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у аниқ яққол фойдаланган миллий хусусиятларга эга. Шу билан бирга, хорижий манбалардаги қоидалар Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг барпо бўлиши ва ривожлантирилиши учун фойдали ҳамда қизиқарли эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Хулоса

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аудиторлик фаолиятини назорат қилиш ва ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда республикамізда аудиторлик фаолияти, хусусан уларнинг фаолиятини ривожлантириш борасида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарор аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувлари жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш нихоятда долзарб масалалардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Диссертацияда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатишда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлиги очиқ берилди. Шунингдек, ушбу бобда аудиторлик фаолиятни ташкил қилишнинг назарий асослари ёритилди. Хусусан, аудиторлик ташкилотларининг текширув жараёнида текшириш босқичлари ва унда қўлланиладиган амаллар, операциялари таркиби кўрсатиб ўтилди ва мақсад-вазифа тушунчаси ёритиб берилди. Илмий ишнинг биринчи бобда аудитининг назарий асослари, унинг муаммоли жиҳатлари танқидий равишда очиқ берилди.

Ушбу мавзу нафақат ҳалқаро миқёсда, балки мамлакатимизда ҳам назарий жиҳатдан замон руҳига мос ҳолда қайта ишланган, лекин шу билан бирга долзарб, яъни муаммоларга бой мавзу эканлигини тан олишимиз керак.

Корхоналарда аудиторлик текширувидан ўтказиш ва далил туплаш масалаларига доир меъёрий ҳужжатлар, хорижий ва мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлар ҳамда етакчи профессор-ўқитувчиларнинг илмий адабиётларини ўрганиш шуни кўрсатдики:

- Умумий аудитни ўтказишнинг назарияси ва услубиёти;
- Аудитнинг муҳим йўналишлари;
- Аудит ўтказиш объектлари аниқ кўрсатилган ва ишлаб чиқилган.

Умуман олганда аудитнинг шаклланган тизими мавжуд. Шу ўринда амалдаги меъёрий ҳужжатлар нафақат назарий, балки амалиётда эришган натижаларни акс эттиришини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги олимлар ва мутахассислар асарларида аудиторлик фаолиятининг назарий, ҳуқуқий ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари яхлит тизим сифатида тадқиқ қилинмаган. Мазкур муаммолар ечимига тизимли ёндашувлар мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қатор сабаблар республикада аудиторлик фаолиятининг ривожлантириш учун чуқур илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Танланган мавзунинг долзарблиги шундаки, жамият ривожланиши, аудиторлик фаолияти ривожланишига, у эса ўз навбатида бу тизимга риоя қилишни таъминловчи воситаларнинг ривожланишига ҳам туртки бўлади.

Энг муҳим воситалардан бири эса, сўзсиз, аудитдир.

Шу ўринда аудитор ва аудиторлик ташкилотларига ҳолис шахс сифатида мазкур масалаларга қонунчиликка мос равишда ойдинлик киритиб бериши учун талаб шаклланади. Ҳозирги кунда аудиторларнинг корхоналарда ўтказилаётган аудиторлик текширувларининг бош мақсади корхоналарнинг ҳисоботларидаги ракамларни тугри шакллантирилганини тасдиқлаб беришдир. Лекин аудит тизимини ривожланиши аудиторларга бошқа вазифаларни ҳам қўяди. Булардан бири корхонанинг ташки иқтисодий фаолиятини текшириш ва истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ҳамда имкониятларини баҳолашдан иборатдир.

Аудит қуйидаги икки йўналиш (мақсад)да амалга оширилади:

1. Иқтисодий субъектларнинг хўжалик фаолиятини қонунда белгиланган мажбурий тартиб ёки давлат органлари вакиллари талаби билан ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви).

2. Иқтисодий субъектларнинг ўз ташаббуслари билан мустақил таҳлил ёрдамида ўзининг молиявий ҳолатини баҳолаш зарурлигида ёки ҳамкорлар олдидаги ишончлилиқ ва хўжалик фаолияти даражасини тасдиқлаш учун (мустақил – ихтиёрий аудит).

Иқтисодий исохотларнинг чуқурлашуви ва аудиторлик фаолияти ривожини Ўзбекистонда баҳолашнинг янгича меъзонларини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтиради. Ҳар қандай миқдорий кўрсаткичлар бўйича текшириш ва улар фаолиятини баҳолашда сифат кўрсаткичлари орқали корхона ривожланиш йўлини аудиторлик баҳолаш чоғида текшириладиган динамик алоқалар асосига қурилган баҳоларга ва ўлчаш усулларига аста-секин ўтиш лозим. Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда аудиторлар олдида жуда муҳим вазифа – тараққиёт йўлини баҳолашнинг янгича усулларидан фойдаланиб, юқоридаги тасниф қилинган усулларга асосланган ҳолда, иқтисодий ахборотни компьютер дастурларидан фойдаланиб, аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг энг мақбул имкониятларини вужудга келтирадилар.

Аудитор иқтисодий субъектларнинг молиявий ҳисоботнинг ишончилигини ўрнатиш борасида ўз вазифаларини бажарар экан, энг аввало жамият манфаатлари учун ҳаракат қилади, яъни бошқа хўжалик юритувчи субъектларни қизиқтираётган ушбу корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотларни баҳолайди.

Аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланиладиган амалларни янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- 1) Республикамизда аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва ўзига хос бўлган амалларлар мавжудлиги асослаб бериш ;
- 2) аудиторлик фаолиятининг объекти хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти, шу фаолиятдаги аниқ жараёнлар тушунилади. Корхона қайси фаолият билан шуғилланмасин унинг асосида маблағ, биринчи галда пул ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи ётади. Хар бир корхона ўз олдида турган мақсад ва вазифаларга қараб фаолият юритади. Ушбу фаолият давомида моддий, молиявий ва меҳнат ресурслардан оқилона фойдаланилади. Натижада корхона даромад (фойда) олади. Ушбу натижага эришиш миқдорларнинг ҳам манфаатлари эътиборга олинган ҳолда амалдаги қонун талаблари асосида эришилади. Аудиторлик фаолиятининг амаллари ва усуллари корхонава хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга, ҳуқуқий-меъёрий нормалар асосида эканлигига қаратилган бўлиши керак.
- 3) Глобал молиявий инқироз шароитида аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш янада кучаяди. Кўпроқ сифатли хизматлар кўрсатиш, ташкилот фаолиятини қайтадан янгилаш, замонавий жиҳозлар билан таъминлашга боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида такомиллаштириш жараёни уни ҳисобга олиниш тартибини илмий жиҳатдан тўлиқ асослаш, яъни унинг концепциясини ишлаб чиқишни тақозо қилади.
- 4) Мамлакатимизда қабул қилинган «Инқирозга қарши чоралар дастури»да мавжуд моддий, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20фоизга тушуриш вазифаси белгиланган. Бу ўз навбатида аудиторлик фаолиятида қўшимча вазифалар бажаришга, молиявий ҳисоботнинг маҳсулот таннархи бўйича ахборотларни шакллантиришдаги маъсулиятини янада оширади. Эндиликда

молиявий ҳисобот орқали импорт қилинадиган ресурслар, уларнинг нархларини тўғри белгилаш, маҳаллий хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш, ресурслар сарфи меъёрини нисбатан камайтириш, корхоналарни модернизация қилиш маъмурий-бошқарув харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш жараёнлари катъий назоратга олинади. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши мижоз ташкилотларга консалтинг хизматларини, мижоз ташкилот бухгалтерия ҳисобининг юқорида келтирилган объектлари бўйича янги методологиясини ишлаб чиқишни бугунги кунда зарурат қилиб билиш.

- 5) Жаҳон молиявий инқирози содир бўлаётган ҳозирги вақтда, аудиторлик ташкилотлари аудиторларининг иш ҳақларини камлиги аудиторни мижоз ташкилоти олдида аудиторлик ташкилотининг эмас, балки ўзининг моддий манфатдорлигини ўйлашлиги, аудиторлик ташкилотининг обросини тушиб кетишига олиб келади. Шу мақсадда аудиторлик фирмалари хавфсизлик чораларини қўллаши ва ўз ходимларининг иш ҳақлари масаласини қўриб чиқиши лозим;
- 6) Жаҳон молиявий инқирози содир бўлаётган ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб бўлмоқда. Бу ўз навбатида корхоналарнинг хавфи ва хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини илмий жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқдир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, махсус адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда ушбу масалалар тўлалигича ифодаланмаган. Шу мақсадларда аудиторлик ташкилотлари ўз фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб аудиторлик ташкилотлари ўзларининг ва хизмат кўрсатаётган мижозининг иқтисодий хавфсизлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.
- 7) Ўзбекистон Республикасида аудит ўтказиш босқичларини меъёрий тартибга солиш механизми ягона тизимга келтирилди ва аудиторлик

- фаолиятини меъёрий-ҳукуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичлари аниқлаштириш ;
- 8) республикамизда Аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланадиган амаллар янада фаол ривожлантириш учун маълум чора-тадбирларни бажариш тавсия этиш ва уни такомиллаштириш учун қатор таклифлар ишлаб чиқиш
- 9) Мамлакатимизда миллий аудиторлик стандартлари ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда такомиллаштириш мақсадида, халқаро ва миллий аудиторлик стандартлари ҳамда уларнинг меъёрларидан фойдаланувчилар ва қизиқувчилар учун тушуниш осон бўлишлигини ҳисобга олган ҳолда, баъзи аудиторлик компанияларининг ўзи ҳам бу стандартларнинг туб моҳиятини тушуниб етмаганликлари оқибатида ноҳаққоний хулосалар берилишини олдини олиш мақсадида мамлакатимизнинг шу соҳадаги йирик олимлар ва тажрибали аудиторлари билан биргаликда аудитнинг миллий стандартларига мисоллар ёрдамида батафсил шарҳ берилишини йўлга қўйиш лозим;
- 10) Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси ҳузурида аудитни усуллари ва жараёнларини амалий ташкил қилиш бўйича ўқув марказини ташкил қилиш лозим. Бу йўналишдаги ишни ташкил қилишни қонуний ривожлантириш ва моддий қўллаб қувватлаш лозим. Халқаро мутахассисларни жалб қилиш ва бухгалтер, аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлашда замонавий адабиётлар билан таъминлаш. Ўз аудиторлик соҳамизни ривожлантириш учун мамлакатимиз профессор-ўқитувчилар таркибини ташкил қилиш.
- 11) Диссертация ишида аудиторлик босқичлари ва амалларни такомиллаштиришда аудит режаси ва дастурини ихчам шакллари яратиш лозимлиги уқтириб ўтилди ва аудит режаси ва дастурининг такомиллашган шакли келтириб ўтилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси – аудиторлик фаолияти хизматлари бозорини ривожлантириш заруратидан келиб чиқади. Тадқиқот натижалари амалиётда аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланиладиган амаллар такомиллаштириш турли хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга, яъни провард натижада – бозор муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида хўжалик механизмини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Хулоса якунида шунини таъкидлаш жоизки, Республикамиз халқаро миқёсда жаҳоннинг етакчи ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли, ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорлик алоқалар ўрнатмоқда. Шу боис, Республикамиз амалиётига, халқаро бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларининг талабларига мувофиқ равишда миллий бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиб боришни янада такомиллаштириш зарур деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил 21 декабр.
2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 1996 йил 30 август Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. -Т.: Адолат, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 30 декабр 1998.//Халқ сўзи, 18 январ 1999 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 2000 йил 26 май Қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №23. -Т.: Адолат, 2001.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
4. “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб етиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎЗР ПҚ 11.2007
5. “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” N ПҚ-670 12.07.2007 й
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги

2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сонли фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 15 апрелдаги ПК-56-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги ПК-147-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 августдаги 347-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётни кредитлаш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 22 августдаги 349-сонли Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

11. Каримов И.А. Бош миқсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини давом эттириш. :”Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил, 19-январ. 8(31.598).

12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.:”Ўзбекистон” 2010, 55б.

13. Каримов И.А. «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир». Ўзбекистон овози газетаси. – Т.: 2008 йил 9 феврал 18(27.823)

14. Каримов И.А. «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш - асосий вазифамиздир». Ўзбекистон овози газетаси. – Т.: 2007 йил

15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. -Т.: “Халқ сўзи” газетаси. (3828)-сон. – Т.: 2006.

16. И.А.Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва

молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент «Ўзбекистон» 2005 йил.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йқналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси № 29 2006 йил 11 февраль

18. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси 2008 йил 9 февраль

19. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси). – Халқ сўзи, 2009, 14 феврал.

20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: «Ўзбекистон» 2010, 55б.

V. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг низом ва йўриқномалари

22. Ўзбекистон Республикасида «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида»ги 1122-сонли Низом. 2002 йил.

23. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақалари ҳақидаги 1080-сонли йўриқнома. 2000 йил.

24. «Банкларнинг кредит депозитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги Низом, 2005 йил.

VI. Махсус адабиётлар рўйхати

25. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 с

26. Маматов З.Т. ва бошқ. Аудит: Ўқув қўлланма.-Т.: Тошкент Ислон Университети. 2002.-280 б.

27. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.

28. Подольский В.И. Аудит. – М.: ЮНИТИ, 2001.

29. Ризақулов А.А., Нарзиев Р. Аудит, - Т.: 1999.

30. Санаев Н.С., Нарзиев Р. Аудит. Ўқитувчи, 2001.

31. Тўлаходжаева М.М. Корхона молиявий аҳволини аудити. 1996.

32. Жўраев Н.Ю. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг тараққиёти - Т.: Ж/Иқтисодиёт ва таълим, 2003 йил, 2-сон.

33. Маматов З. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари. - Т.: Тошкент Молия институти, 2004. 254 б.

34. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. -Т.: Академия. 2002. -176 б.

35. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон янги ғоялар, янги ютуқлар. -Т.: Шарқ, 2002. -272 б.

36. Ўразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. II-қисм, Самарқанд, СамИСИ, 2004. -227 б..

37. Абдуллаева Ш.З. “Банк рисклари ва кредитлаш” Т.: 2000 йил.

38. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши». Ўқув қўлланма.Т.: 2003 йил

39. Абдуллаева Ш.З. «Пул, кредит ва банклар».Т.: 2004 йил.

40. Бочаров В.В. Инвестиции. –СПб.: Питер, 2002. -288 с.

41. Бабченко Т.Н., Бабченко И.А. Трансформация отчетности кредитных организаций от РСБУ к МСФО: Учебн. - практич. пособие. – М.: Дело, 2005. - 200с.

42. Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное

пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000 г.

43. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с.

44. Лаврушин О.И. «Управление деятельностью коммерческого банка» (Банковский менеджмент). Учебник. М.: 2003 г.

45. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари. - Т.: ТМИ. 2004. -348 б.

46. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. -240 с.

47. Платонов В. Банковское дело: стратегическое руководство. М.: 2000

48. Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» -М.: Финансы и статистика, 2000.-496с. 441с.

49. Камолов О., Мамадалиев Қ. «Тижорат банкларини солиққа тортиш масалалари».Бозор, пул ва кредит журналі №5. 2006 й.

VII. Интернет сайтлари

50. www.tfi.uz

51. www.stat.uz

52. www.bankir.ru

53. www.ref.uz

54. www.cbu.uz

55. www.audit.uz

56. www.lex.uz

ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Стандартнинг номи	Номери	Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган санаси ва рўйхат рақами	Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган санаси ва рўйхат рақами
Аудитни режалаштириш	3-сон	14.07.1999 й. N 54	10.11.1999 й. N 837
Аудит иши сифатини назорат қилиш	5-сон	04.08.1999 й. N 62	03.09.1999 й. N 811
Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар	4-сон	21.08.2006 й. N 76	
Аудиторлик текширувини ҳужжатлаштириш	6-сон	04.08.1999 й. N 61	03.09.1999 й. N 812
Мухимлик ва аудиторлик таваккалчилиги	9-сон	04.08.1999 й. N 63	03.09.1999 й. N 813
Молиявий ҳисоботда бўлган бошқа ахборот	10-сон	09.09.1999 й. N 75	23.09.1999 й. N 822
Маълумотларнинг компьютер ишлови (МКИ) шароитида аудит	11-сон	09.09.1999 й. N 76	23.09.1999 й. N 823
Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш	12-сон	29.12.2006 й. N 108	
Таҳлилий таомиллар	13-сон	04.08.1999 й. N 64	03.09.1999 й. N 814
Аудиторлик танлаш	14-сон	27.07.1999 й. N 59	03.09.1999 й. N 815
Эксперт хизматидан фойдаланиш	16-сон	27.07.1999 й. N 60	03.09.1999 й. N 816
Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганида аудиторлик ташкилотининг иш тутиши	24-сон	31.05.2001. № 49	30.06.2001й. N 1045
Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишни текшириш	25-сон	27.01.2003. № 14	28.02.2003. № 1223
Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш	31-сон	31.05.2001 N 48	21.06.2001й. N1043
Аудиторлик далиллари	50-сон	03.02.2002 № 48	18.04.2002й. N1128
Алоқадор шахслар ўртасида битимлар бўйича аудиторлик далиллари олиш таомиллари	55-сон	27.01.2003. № 15	03.03.2003. № 1224
Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар	56-сон	09.04.2003 N 54	
Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш	60-сон	27.01.2003 N 16	20.02.2003 й. N 1221
Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси	70-сон	14.02.2001 й. N 20	10.03.2001 й. N 1016
Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи	80-сон	27.01.2003 N 13	19.02.2003 й. N 1220
Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари	90-сон	14.02.2001 й. N 19	10.03.2001 й. N 1017

АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ РЎЙХАТИ

100-сон ХАС	«Халқаро аудит стандартлари ва турдош хизматларга изоҳ»
110-сон ХАС	«Терминлар глоссарийси»
100-сон ХАС	«Халқаро аудит стандартларининг концептуал асослари»
200-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва уни тартибга солувчи асосий тамойиллар»
210-сон ХАС	«Аудит ўтказиш тўғрисидаги келишув хати»
220-сон ХАС	«Аудит сифатини назорат қилиш»
230-сон ХАС	«Хужжатлаштириш»
240-сон ХАС	«Алдаш ва хато»
250-сон ХАС	«Молиявий ҳисобот аудити бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш»
300-сон ХАС	«Аудитни режалаштириш»
310-сон ХАС	«Бизнесни билиш»
320-сон ХАС	«Аудитда муҳимлик»
400-сон ХАС	«Таваккалчиликни ва ички назорат тизимини баҳолаш»
401-сон ХАС	«Компьютер ахборот тизими шароитида аудит»
402-сон ХАС	«Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизматларидан фойдаланувчи субъектлар аудитига доир саволлар»
500-сон ХАС	«Аудиторлик далиллар»
501-сон ХАС	«Аудиторлик далиллар – аниқ моддаларга тааллуқли қўшимча саволлар»
510-сон ХАС	«Дастлабки молиявий ҳисобот аудитида бошланғич қолдиқлар бўйича аудиторнинг маъсулияти»
520-сон ХАС	«Тахлилий амаллар»
530-сон ХАС	«Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари»
540-сон ХАС	«Ҳисоб баҳолашларнинг аудити»
550-сон ХАС	«Манфаатдор томонлар»
560-сон ХАС	«Келгуси давр молиявий маълумотларини ўрганиш»
570-сон ХАС	«Ўзлуксиз фаолият»
580-сон ХАС	«Субъект раҳбариятига тушунтириш бериш»
600-сон ХАС	«Бошқа аудиторлар иш натижаларидан фойдаланиш»
610-сон ХАС	«Ички аудит хизмати ишини кўриб чиқиш»
620-сон ХАС	«Эксперт хизматидан фойдаланиш»
700-сон ХАС	«Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосаси»
710-сон ХАС	«Таққосланадиган кўрсаткичлар»
720-сон ХАС	«Текширилган молиявий ҳисоботларда бошқа ахборотлар»
800-сон ХАС	«Махсус мақсаддаги аудит шартномаси бўйича аудиторлик ҳисобот»
810-сон ХАС	«Истикболли молиявий маълумотларни текшириш»
910-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича келишув»
920-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботга тааллуқли амалларни бажариш бўйича келишув»
930-сон ХАС	«Молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича келишув»

«OSIYO-AUDIT» маъсулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик компанияси тамонидан Сурхондарё вилояти “Матбуот таркатувчи” шўба корхонасининг 2010 йил 01 январидан – 2010 йил 01 ноябргача бўлган молиявий хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси бўйича аудиторлик ҳисоботи

Ўзбекистон Республикаси. «Матбуот таркатувчи» Акциядорлик Компанияси таркибидаги Сурхондарё вилоят «Матбуот таркатувчи» шўба корхонасининг 2010 йил 01 январидан 2010 йил 01 ноябргача бўлган молиявий хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси бўйича аудиторлик

ХИСОБОТИ

2010 йил 17 ноябр

Термиз шахри

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Миробод тумани Мовароунахр кучаси-31 уйда жойлашган узининг иш фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 1998 йил 11-августдаги 517 сонли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил

29 февралдаги 00124-сонли лицензиясига эга бўлган «OSIYO- AUDIT» аудиторлик компаниясининг реқвизити:

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар АИТБ Ипотекабанк Мехнат булими х/р 20208000503945832001 МФО 00423 ИНН 202629997

Мен «OSIYO- AUDIT» аудиторлик компанияси аудитори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 5 январ 2001йил берилган №00544-сонли АМСга эга Ботир Алламуротов Ўзбекистон Республикаси «Матбуот таркатувчи» Компанияси раҳбарияти билан «OSIYO- AUDIT» аудиторлик компанияси уртасидаги 2010 йил 24 июн кунидаги №125 сонли шартнома асосида Компания директорининг 26 октябр 2010 йилдаги №115 сонли буйруғи билан Сурхондарё вилоят «Матбуот таркатувчи» шўба корхонасининг 2010 йил 01 январидан 2010 йил 01 ноябргача бўлган молиявий хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик текширувини ўтказдим. Хўжалик юритувчи субъект Сурхондарё вилоят «Матбуот таркатувчи» шўба корхонасининг манзили:

Термиз шаҳар Ш. Рашидов кучаси 33-уй АТБ Узсаноатқурилишбанк Сурхондарё минтакавий филиали х/р 20210000600359662001 МФО 01045 ИНН 201317516

Аудиторлик текшируви 2010 йил 01 ноябрдан бошланиб 2010 йил 17 ноябрда якунланди.

Аудит текшируви даврида фаолият курсатаётган раҳбар ва моддий жавобгар шахслар.

Аудиторлик текшируви ўз ичига олган давр мобайнида қуйидаги раҳбар ва моддий жавобгар шахслар фаолият курсатиб ишлаганлар.

1. Жураев Тойир Бобохонович «Матбуот таркатувчи» шуъба корхонаси директори вазифасида 2003 йилдан ишлайди.
2. Эшкурбонов Илхом Рузиевич «Матбуот таркатувчи» шуъба корхонаси бош хисс3бчи вазифасида 2000йилдан буён ишлаб келмокда.
3. Аллабердиев Турди Ибрагимович «Матбуот таркатувчи» шуъба корхонаси директор уринбосари вазифасида 2003йилдан буён ишлаб келмокда
4. Туропов Менгликул«Матбуот таркатувчи» шуъба корхонаси бош хазиначиси вазифасида 2008йилдан ишлаб келмокда.
Аудит текшируви «Матбуот таркатувчи» шуъба корхонаси директори Жураев Тойир Бобохонович хабардорлиги ҳамда розилиги билан корхона бош хисобчиси Эшкурбонов Илхом Рузиевичнинг шахсан иштирокида утказилди.

Сурхондарё вилоят «Матбуот таркатувчи» шуъба корхонаси молия хужалик фаолияти буйича аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2001 йил 14 февралдаги тасдиқланган «Аудиторлик фаолияти Миллий стандарти (АФМС 70 сонли)» ҳамда «Бухгалтерия хисобининг миллий андозалари (№5 БХМА)» Молия Вазирлигидан №1299 сон билан 2004йил 20 январда қайта руйхатдан буйруқ асосида утказилди.

Аудиторлик текшируви давомида корхона бош хисобхонаси томонидан тақдим этилган газна хисоботлари, банк хисоб китоблари тулик, товар моддий бойликлари, даромад харажатлари буйича январь- октябрь ойлари учун тузилган хисоботлари танланма усулда текширувдан утказилди. Корхона хисобхонасида бухгалтерия хисоб китобларини юритиш мемориал ордер системасида бухгалтерия янги счетлар режаси билан «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисрби миллий стандартлари» асосида юритилиб келинмокда.

Сурхондарё вилоят «Матбуот таркатувчи» шуъба корхонаси(бундан кейин корхона деб юритилади). Мулкчилик шакли шуъба корхонаси булиб, 2006йилнинг 04февралидан АА №004-сон билан улгуржи давдо фаолияти билан шугулланиш учун рухсатномаси (лицензия) мавжудвауни амал қилиш муддати доимийга *берилган*.

